

**Стандартлаштириш, метрология  
ва сертификатлаштириш  
Ўзбекистон Агентлиги**

**СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА  
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**СТАНДАРТЛАР  
СИНОВЛАР  
ИНСПЕКЦИЯ  
МЕТРОЛОГИЯ  
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ  
АККРЕДИТЛАШ**

**Саволлар ва жавоблар  
бўйича маълумотнома**

**Тошкент - 2004**

304 (54) + 30, 10 + 30, 807

Ишлаб чиқувчилар

СМСИТИ дан - Джаббаров Р.Р.

Умаров А.С.

Авакян П.Г.

Алимов М.Н.

Бойко С.Р.


Краснов В.И.

Сабиров М.З.

Садиқов А.Б.

Хакимов О.Ш.

© СМСИТИ. 2004



Zy

Ю 30418  
291

Тузувчилардан

Халқаро стандартлаштириш амалиётида қабул қилинган концепцияда ёзилишича: Стандартлар, Синовлар, Инспекция, Метрология, Сертификатлаштириш ва Аккредитлаш ҳар қандай мамлакатда иқтисодий ривожланиш ва ҳаёт тарзини яхшилаш учун зарур шарт бўлган стандартлаштириш инфраструктураси, деб аталувчи фаолиятлар гуруҳини ташкил этади.

Мамлакатда бу фаолият турларининг бири ёки бир нечтаси йўқ ёки улар самарасиз ишлаганда, бунинг салбий таъсири товарлар ва хизматлар сифатига тезда таъсирини кўрсатади, рентабеллик, ҳаёт тарзи паст, бахтсиз ходисалар ёки касалланишлар фоизи кўп, бунга сифатсиз маҳсулотларни истеъмол қилиш ёки атроф муҳитнинг ифлосланиши ва ноқулайлиги сабаб бўлади.

Маданий жамият иқтисодиётни ва ҳаёт тарзини умумий яхшилаш учун стандартлаштириш инфраструктурасини мустаҳкамлашга, яъни мустаҳкам стандартлаштириш инфраструктурасини яратишга интилади.

Ушбу маълумотнома юқорида кўрсатилган фаолият йўналишлари бўйича ўзига хос йўлланма тузиш борасида институт томонидан қилинган биринчи тажрибадан иборат.

Маълумотнома Ўзстандарт Агентлиги, иқтисодиёт тармоқлари мутахассисларининг кенг доирасига, шунингдек СМСИТИ малака ошириш курсларининг эшитувчилари учун мўлжалланган.

Тузувчилар ушбу маълумотномадан фойдаланувчилардан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини ва маълумотноманинг мазмуни бўйича таклифларини юборишларини сўрайди, булар навбатдаги нашрларда ҳисобга олинади.

30.10

**САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР**  
**(жавоблар курсив билан ажратилган)**

## МУНДАРИЖА

Тузувчилардан .....	бет 3
---------------------	----------

### Биринчи бўлим. СТАНДАРТЛАШТИРИШ

1-боб. Стандартлаштиришнинг ҳуқуқий асослари.....	7
2-боб. Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими (ЎзСДТ) .....	11
3-боб. Стандартлаштиришнинг назарий асослари.....	20
4-боб. Стандартларни давлат текшируви ва назорати ҳамда ўлчашлар бирлигини таъминлаш .....	22

### Иккинчи бўлим. МЕТРОЛОГИЯ

1-боб. Метрология.....	42
------------------------	----

### Учинчи бўлим. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ

1-боб. Маҳсулот ва хизматларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ҳуқуқий ва норматив асослар.....	57
2-боб Маҳсулот ва хизматларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ташкилотларни аккредитлаш қоидалари.....	62

### Тўртинчи бўлим. ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ АХБОРОТНИ ТАСНИФЛАШ ВА КОДЛАШ

1-боб. Штрихли кодлаш .....	69
-----------------------------	----

### Бешинчи бўлим. СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ, СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ, СОҲАСИДАГИ МУТАХАССИСЛАРГА ВА ДАВЛАТ ТЕКШИРУВИ ВА НАЗОРАТИ ИНСПЕКТОРЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

1. Стандартлаштириш.....	73
2. Метрология .....	74

3. Стандартлар ва ўлчашларнинг бирлигини таъминлаш устидан давлат текшируви ва назорати.....	74
4. Сертификатлаштириш.....	75

<b>Олтинчи бўлим. ДАВНАЗОРАТ ИДОРАЛАРИ ЛАВОЗИМЛИ ШАХСЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.....</b>	<b>76</b>
---	-----------

<b>Еттинчи бўлим. ТЕКШИРИЛАДИГАН ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.....</b>	<b>78</b>
<b>МАНБАЛАР.....</b>	<b>79</b>

---

---

**Биринчи бўлим. СТАНДАРТЛАШТИРИШ**  
**1-боб. Стандартлаштиришнинг ҳуқуқий асослари**

1.1 Ўлчовларнинг бирлигини таъминлаш стандартлаштиришнинг асосий мақсадларидан бири бўладими?

*Ҳа, бўлади.*

1.2 Мудофаа қобилиятини ва мобилизацияга тайёргарликни таъминлаш стандартлаштиришнинг асосий мақсадларидан бири бўладими?

*Ҳа, бўлади.*

1.3 Табiiй ва техноген ҳалокатлар ва бошқа фавқулотда пайдо бўладиган вазиятларнинг содир бўлиши хавфини ҳисобга олган ҳолда халқ ҳўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлаш стандартлаштиришнинг асосий мақсадларидан бири бўладими?

*Ҳа, бўлади.*

1.4 Барча турдаги бойликларни тежашда стандартлаштириш кўмаклашадими?

*Кўмаклашади.*

1.5 Меъёрий ҳужжатларнинг қандай кўрсаткичлари мажбурий талабларга киради?

*Хавфсизлик, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, мувофиқлик, мос келувчанлик, ўзаро алмашинувчанлик, бойликларни тежаш, тамғалаш ва текшириш методларининг бирлиги талаблари.*

1.6 «Хавфсизлик» тушунчасининг моҳияти.

*Ходимга зарар етказиш хавфи ёки келтириладиган зарар жоиз даражада чекланган ҳолат.*

1.7 «Ўзаро алмашинувчанлик» тушунчасининг моҳияти.

*Объектнинг модификация қилинмасдан бошқа объект ўрнида бир хил талабларни бажара олиши қобилияти.*

1.8 «Мос келувчанлик» тушунчасининг моҳияти.

*Мос талабларни бажариш мақсадида муайян шароитларда объектларнинг биргаликда фойдаланишлик қобилияти.*

1.9 Ўз СДТни ишлаб чиқиш қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда кўрсатилган?

*«Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан.*

1.10 Ўз СДТ қандай қонуний ҳужжат билан қонулаштирилган?  
*«Стандартлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси»нинг Қонуни билан.*

1.11 «Стандартлаштириш тўғрисида» Қонунга мувофиқ Ўз СДТ стандартлаштириш бўйича ишларни бажаришнинг қандай қоидаларини белгилаган.

*Ташкилий техникавий.*

1.12 Стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил этувчи, мувофиқлаштирувчи ва таъминловчи ташкилот?

*Ўзстандарт Агентлиги, Давлатархитектурақурилиш қўмитаси, Давлат табиат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш Вазирлиги.*

1.13 Давлатархитектурақурилиш стандартлаштириш бўйича ишларни қуйидаги соҳаларда ташкил этади, мувофиқлаштиради ва таъминлайди:

*Қурилиш, қурилиш индустрияси, шу жумладан, лойиҳалаш ва конструкциясини тузиш.*

1.14 Давлаттабиатқўмитаси стандартлаштириш бўйича ишларни қуйидаги соҳаларда ташкил этади, мувофиқлаштиради ва таъминлайди:

*Табиий бойликлардан фойдаланишни ва атроф муҳитни муҳофазалашни тартибга тушириш.*

1.15 Соғлиқни сақлаш вазирлиги стандартлаштириш бўйича ишларни қуйидаги соҳаларда ташкил этади, мувофиқлаштиради ва таъминлайди:

*Тиббиёт техникаси буюмлари, тиббиёт учун мўлжалланган маҳсулотлар, дори-дармонлар, sanoat маҳсулотларида зарарли моддаларнинг борлиги.*

1.16 Стандартлаштириш бўйича ишларни бажариш учумий қоидаларни ким белгилайди?

*Ўзстандарт Агентлиги.*

1.17 Халқаро шартнома ёки келишув бўйича «Стандартлаштириш тўғрисида» Қонунда белгиланганлардан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, қайси қоидалар қўлланилади?

*Халқаро шартнома ёки келишувда кўрсатилган қоидалар.*

1.18 Техник-иқтисодий ахборот классификаторлари стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар қаторига кирадими?

*Киради, албатта.*

1.19 Мамлакатимиз ва хорижий фан ва техникасининг замонавий ютуқларига қандай меъёрий ҳужжатлар асосланиши лозим?



*Барча меъёрий ҳужжатлар.*

1.20 Қандай меъёрий ҳужжатлар халқаро савдога ортиқча тўсқинлик қилмаслиги керак?

*Барча меъёрий ҳужжатлар.*

1.21 Меъёрий ҳужжатларсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш рухсат этиладими?

*Рухсат этилмайди.*

1.22 Меъёрий ҳужжатларнинг Давлат ахборот фондини ташкил этувчи ҳужжатлар:

*Ўзстандарт Агентлиги идораларида қайд этилган меъёрий ҳужжатлар.*

1.23 Четдан келтириладиган маҳсулотни етказиб бериш ва вазифасига қараб фойдаланиш шартлари:

*Бу маҳсулотнинг Ўзбекистонда қўлланилаётган меъёрий ҳужжатларга, мажбурий талаблар қисмида мослиги тасдиқланганда.*

1.24 Стандартларни ва ўлчашларнинг бирлилигини текшириш ва назорат қилиш Давлат идоралари:

*Ўзстандарт Агентлиги, Давлатархитектурақурилиш, Давлаттабиатқўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва махсус ваколатли давлат бошқариш идоралари.*

1.25 Давлат текширув ва назорат субъектлари:

*Давлат бошқарув идоралари, бирлашмалар, юридик шахслар, хўжалик субъектлари.*

1.26 Давлат текширув ва назорат объектлари:

*Меъёрий ҳужжатлар, шу жумладан, мажбурий талабларни белгилувчи ҳужжатлар, ҳаётий циклнинг барча босқичларидаги маҳсулот.*

1.27 Давлат назоратини амалга оширувчи мансабли шахслар:

*Стандартларни ва ўлчашларнинг бирлилигини таъминланганлигини текширувчи ва назорат қилувчи Давлат инспекторлари.*

1.28 Давлат инспекторлари жавобгарликка тортилади:

*Ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаслиги ёки сифатсиз бажариши, давлат ёки коммерция сирларини ошқора қилгани учун.*

1.29 Давлат текшируви ва назорати молиялаштирилади:

*Давлат бюджетидан*

1.30 Ўзстандарт Агентлиги тўғрисида низомни тасдиқлаган ташкилот:

*Вазирлар Маҳкамаси*

1.31 ЎзСДТнинг асосий принциплари тасдиқланган:

*Вазирлар маҳкамасининг 2 март 1992 йил № 93 қарори билан.*

1.32 Маъмурий-ҳудудий стандартлаштириш - янги даражаси қайси ҳужжат бўйича киритилган?

*«Стандартлаштириш тўғрисида» Қонун билан.*

1.33 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича ишлар учун республика бюджетидан ҳар йили молиялаштириладиган ташкилотлар:

*Ўзстандарт Агентлиги, Давлатархитектурақурилиш, Давлаттабиатқўмита, Соғлиқни сақлаш вазирлиги.*

1.34 Вазирлар Маҳкамасининг 12 август 1994 й. № 410 Қарорида қуйидагилар кўзда тутилган:

*Вазирлар Маҳкамасининг 2 март 1992 й. № 93 Қарорига ўзгартишлар киритиш ва стандартлар ҳамда ўлчаш воситалари устидан давлат назорати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.*

1.35 Стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларга қурилиш нормалари ва қоидалари (QMQ) қирадимиз?

*Киради, албатта.*

1.36 Стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларга тавсиялар қирадимиз?

*Кирмайди.*

1.37 Раҳбарий ҳужжатлар стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар қаторига қирадимиз?

*Киради, албатта.*

1.38 Истеъмолчиларни чиқариладиган маҳсулотнинг номенклатураси ва сифати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлаш стандартлаштиришнинг мақсадларидан бири бўладими?

*Бўлади.*

1.39 Тайёрловчи (сотувчи, бажарувчи) томонидан маълум қилинган маҳсулот сифати кўрсаткичларининг тасдиғи стандартлаштиришнинг мақсадларидан бири бўладими?

*Бўлади.*

1.40 Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар Вазирлар Маҳкамасининг 12 август 1994 й. қарори бўйича қуйидагиларга мувофиқ ташкил этилади:

*«Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар тўғрисида» намунавий низомга асосан.*

1.41 Давлат назоратини амалга оширувчи лавозимли шахслар статуси:

*Ҳукумат идораларининг вакили бўлади ва давлат ҳимоясида туради.*

1.42 Давлат назоратининг асосий вазифаларига меъерий ҳужжатларнинг илмий-техникавий даражасини таҳлил қилиш қирадимми?

*Киради.*

1.43 Меъерий ҳужжатларнинг лойихаларини тасдиқлашда давлат назорати идоралари уларни экспертизадан ўтказиши шартми?

*Шарт.*

1.44 Ўзстандарт Агентлиги идоралари меъерий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишда уларни экспертиза қилишлари шартми?

*Шарт.*

1.45 Хўжалик субъектлари давлат инспекторининг кўрсатмалари ва қарорларини бажармаганда, бу тўғридаги материаллар:

*Прокуратура идораларига ёки судга берилади.*

1.46 Давлат инспекторларининг ҳаракатларига шикоят бериш, норози бўлган қарорни бажаришни тўхтатадимми?

*Тўхтатмайди.*

1.47 «Стандартлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунларни бузганлиги учун жарима ундириш тартиби тўғрисидаги Низом»ни 1994 й.да тасдиқлаган ташкилот:

*Ўздавстандарт*

1.48 «Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида қонунларни бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунларни қўлланиш бўйича тавсиялар»ни 1995 й.да тасдиқлаган ташкилот:

*Ўздавстандарт*

1.49 Экспертиза натижалари қандай ҳужжат билан расмийлаштирилади?

*Хулоса чиқариш.*

1.50 Доимий давлат назорати ўрнатилади:

*Сертификатлаштириш ва метрология бошқармасининг буйруғи билан.*

1.51 Стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот (ИСО)нинг қонун чиқарувчи Олий идораси:

*Бош Ассамблея*

## **2-боб. Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими (ЎзСДТ)**

2.1 «Меъерий ҳужжатлар» тушунчасини ташкил этувчилари:

*Стандартлар, техник шартлар, қоидалар мажмуи, регламентлар.*

2.2 «Стандартлаштириш» тушунчасининг моҳияти:  
*Маъжуд ёки мумкин бўлган масалаларга нисбатан тартибга солишга қаратилган фаолият.*

2.3 Давлатлараро стандартлар статуси (ГОСТ)

*Давлатлараро стандартлар.*

2.4 Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар ишлаб чиққан меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳаларини истеъмолчилар билан келишиш тартиби:

*Келишиб олинмайди.*

2.5 Маҳсулот чиқаришда ҳўжалик субъектларига хорижий мамлакатларнинг меъёрий ҳужжатларини қўлланиш руҳсат этиладими?

*Давлатлар ўртасида ёки стандартлаштириш бўйича миллий идоралар ўртасида келишув бор бўлса, руҳсат этилади.*

2.6 Ўзбекистонда стандартлаштириш режалаштирилганда ишлаб чиқилади:

*Давлат стандартлаштириш дастурлари.*

2.7 Давлат рўйхатидан ўтказиладиган меъёрий ҳужжатлар (МХ):

*Сотиш қилинадиган маҳсулотга МХлар.*

2.8 Давлатлараро стандартлар (ГОСТ)ни қўлланиш тартиби:

*Ўзстандарт Агентлиги, Давлатархитектурақурилиш, Давлаттабиатқўмита, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарорлари (буйруқлари).*

2.9 Озуқа маҳсулотларининг, шу жумладан, парфюмерия, косметика, томаки буюмларнинг қандай кўрсаткичлари (хоссалари) мажбурий бўлади?

*Сифат кўрсаткичлари.*

2.10 Маҳсулотга меъёрий ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш қайси ташкилотга топширилган?

*Ўзстандарт Агентлиги*

2.11 ГОСТ, қоидалар, нормалар ва халқаро ҳамда ҳудудий ташкилотларнинг стандартлаштириш бўйича тавсияларини нашр этиш ва қайта нашр этиш ҳуқуқи кимга берилган?

*Ўзстандарт Агентлигига*

2.12 Комплекс стандартлаштириш моҳияти:

*Объектнинг ўзини ҳам, уни ташкил этувчи барча элементларни ҳам стандартлаштириш*

2.13 Олдиндан стандартлаштириш моҳияти:

*Меъёрий ҳужжатларда олдиндан белгиланган талабларни ўрнатиш.*

2.14 Халқаро стандартларни O'z DSt сифатида ўзгартиришларсиз кўчириб ёзиш «Стандартлаштириш тўғрисида» Қонунга зид (хилоф) бўладими?

*Зид бўлади.*

2.15 Фойдаланувчиларни тармоқ меъёрий ҳужжатлари (МХ) билан таъминлаш кимга юклатилган?

*МХларни тасдиқлаган идорага*

2.16 Фойдаланувчиларни техник шартлар билан таъминлаш кимга юклатилган?

*Техник шартларни тасдиқлаган идорага*

2.17 Маҳсулотнинг каталог варақаси тўлатилади:

*Барча чиқариладиган ва чет истеъмолчига сотиладиган маҳсулотга.*

2.18 Бошқа мамлакатларнинг меъёрий ҳужжатлари бўйича, уни қайта расмийлаштирмасдан, маҳсулот чиқариш қуйидаги ҳолда рухсат этилади:

*Маҳсулот фақат экспортга чиқарилади.*

2.19 Бошқа мамлакатларнинг меъёрий ҳужжат (МХ)лари бўйича Ўзбекистонда тўлиқ ёки қисман реализация қилинадиган маҳсулотни чиқариш тартиби:

*Хорижий меъёрий ҳужжатлар мос даражадаги миллий меъёрий ҳужжатларга қайта расмийлаштирилиши лозим.*

2.20 Стандартлаштириш бўйича миллий идора, деб белгиланган:

*Ўзстандарт Агентлиги.*

2.21 Меъёрий ҳужжатларнинг талаблари мажбурий деб белгиланади:

*Қонун бўйича ва ёки маҳсулотни етказиб беришга тузилган контракт бўйича.*

2.22 Узлуксиз таълим тизимида давлат стандартлари қаерда тасдиқланади?

*Вазирлар Маҳкамасида*

2.23 Асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлар қуйдагиларга бўлинади:

*Ташкилий-методик ва умумтехникавий.*

2.24 Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг статуси:

*Манфаатдор ташкилотлар вакилларидан ташкил этиладиган қўмита.*

2.25 OFz DSt 1.0 СДТ белгилайди:

*Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари ва вазифаларини.*

2.26 Метрологик нормалар, қоидалар, низомлар ва талабларни белгилаш стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари ёки асосий вазифалари таркибига кирадими?

*Вазифалари таркибига киради.*

2.27 Машиналарни, асбобларни агрегатлаш ва жиҳозлар стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари ёки асосий вазифалари таркибига кирадими?

*Мақсадига ҳам, вазифаларига, ҳам кирмайди.*

2.28 Стандартлаштиришнинг тармоқ тизимларини тасдиқлаш ҳуқуқи қандай ташкилотларга берилган?

*Давлатархитектурақурилиш, Давлаттабиатқўмита, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, юридик шахслар бирлашмаларига берилган.*

2.29 Муассасаларда стандартлаштириш ишлари қандай ишлар турига киради?

*Асосий*

2.30 Меъёрий ҳужжатларнинг тузилиши, баён этилиши, расмийлаштирилиши ва мазмунига талаблар асос бўлувчи меъёрий ҳужжатларнинг қандай турига киради?

*Умумтехникавий турига.*

2.31 Халқаро ёки ҳудудий стандартларни мақуллаш усули билан уларни миллий стандартлар сифатида қабул қилиш рухсат этиладими?

*Рухсат этилади.*

2.32 Агар халқаро ёки ҳудудий стандартга (MOD-модификациялаштирилган индекс остида) ўзгартиришлар киритилган бўлса, уни миллий стандарт сифатида қабул қилинган, деб ҳисоблаш мумкинми?

*Қабул қилинган, деб ҳисоблаш мумкин.*

2.33 Технологик йўриқномалар ва рецептураларни ким тасдиқлайди?

*Ҳўжалик субъектлари.*

2.34 Реализация қилинадиган маҳсулотга корхонанинг стандартлари давлат рўйхатидан ўтказиладими?

*Рўйхатдан ўтказилади.*

2.35 Жаҳон савдо ташкилоти версияси бўйича стандартни:

*Қўлланиш шарт эмас.*

2.36 Халқаро стандартларни қўлланиш

*Шарт эмас.*

2.37 Асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказиладими?

*Ўтказилмайди.*

2.38 Қандай ҳолларда халқаро (ҳудудий) стандарт миллий меъёрий ҳужжат сифатида қабул қилинган, деб ҳисобланади?

*Агар миллий меъёрий ҳужжат айнан ўхшаш ёки модификацияланган бўлса.*

2.39 Агар миллий меъёрий ҳужжат халқаро (ҳудудий) меъёрий ҳужжатга айнан ўхшаш бўлса, уни ўзгартириш мумкинми?

*Бироз таҳририй ўзгартиришлар рухсат этилади.*

2.40 Модификациялаштирилган миллий меъёрий ҳужжатларда техникавий мазмун жиҳатдан халқаро (ҳудудий) меъёрий ҳужжатлардан фарқланиш рухсат этиладими?

*Агар фарқлар айнан ўхшаш қилинган ва тушунтирилган бўлса, фарқланиш рухсат этилади.*

2.41 Халқаро (ҳудудий) стандарларни миллий стандартлар сифатида қабул қилиш нима билан асосланади?

*Мамлакатнинг халқаро (ҳудудий) ташкилотга аъзолиги билан.*

2.42 Миллий меъёрий ҳужжатларни халқаро (ҳудудий) стандартлар билан уйғунлаштиришнинг энг самарали шакли:

*Халқаро (ҳудудий) стандартларни қўлланиш.*

2.43 Халқаро (ҳудудий) ташкилотнинг стандартига айнан ўхшаш миллий меъёрий ҳужжатни белгилаш тартиби:

*Аббревиатуралар: O'z DSt, халқаро (ҳудудий) ташкилот номи; миллий меъёрий ҳужжатнинг номери, қабул қилинган йили.*

2.44 Халқаро (ҳудудий) меъёрий ҳужжатга айнан ўхшаш миллий меъёрий ҳужжат белгисиди қайси йил кўрсатилади?

*Халқаро (ҳудудий) стандарт қабул қилинган йил.*

2.45 Халқаро (ҳудудий) стандартга айнан ўхшаш миллий меъёрий ҳужжат белгисиди қайси номер кўрсатилади?

*Халқаро (ҳудудий) стандартнинг тартиб рақами.*

2.46 Халқаро (ҳудудий) стандарт билан модификациялаштирилган миллий меъёрий ҳужжатни белгилаш тартиби:

*Аббревиатуралар: O'z DSt; миллий меъёрий ҳужжатнинг тартиб рақами; миллий меъёрий ҳужжат қабул қилинган йил.*

2.47 Халқаро (ҳудудий) стандартга ноэквивалент миллий меъёрий ҳужжатни белгилаш тартиби:

*Аббревиатуралар: O'z DSt; миллий меъёрий ҳужжатнинг тартиб рақами; миллий меъёрий ҳужжат қабул қилинган йил.*

2.48 Миллий меъёрий ҳужжатнинг халқаро (ҳудудий) стандартга айнан ўхшашлиги, модификациялаштирилгани ёки ноэквивалентлиги қандай аниқланади?

*Миллий меъёрий ҳужжат номи ёзилгандан кейин қавс ичида халқаро (ҳудудий) стандартнинг белгиси ва аббревиатуралар*

кўрсатилади: *IDT* (айнан ўхшаш), *MOD* (модификациялаштирилган), *NEQ* (ноэквивалент).

2.49 Комплекс стандартлаштириш дастурлари (КСД)ни ишлаб чиқиш ва реализация қилишга масъул ташкилот:

*Давлат бошқариш идоралари ва КСД объектини ишлаб чиқишда етакчи юридик шахслар уюшмалари.*

2.50 Комплекс стандартлаштириш дастурлари (КСД)ни ишлаб чиқишга топшириқлар қаерда белгиланади?

*Давлат стандартлаштириш дастурларида.*

2.51 Комплекс стандартлаштириш дастури (КСД)ни реализация қилиш қаерда амалга оширилади?

*Давлатлараро, давлат, тармоқ стандартлаштириш дастурларида.*

2.52 Комплекс стандартлаштириш дастури (КСД)ни ким тасдиқлайди?

*Ўзстандарт Агентлиги.*

2.53 Комплекс стандартлаштириш дастурлари (КСД)нинг меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ўзгартириш, тасдиқлаш муддатлари қандай белгиланади:

*КСД объектини ташкил этувчи барча элементларни стандартлаштириш бўйича ишларни олдиндан бажариш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.*

2.54 Комплекс стандартлаштириш дастурлари (КСД)ни тасдиқлашга бериладиган ҳужжатларнинг бутлиги:

*Тушунтириш ёзувчи ва қўшиб юбориладиган (илова қилинадиган) хат билан бирга уч нусха КСД.*

2.55 Комплекс стандартлаштириш дастурлари (КСД)ни ишлаб чиқишга бошланғич топшириқни қандай ташкилот тасдиқлайди?

*КСДни ишлаб чиқувчи ташкилот раҳбарияти.*

2.56 «Тармоқлараро стандартлантириш тизими (ТСТ)» тушунчасининг моҳияти:

*Алоҳида гуруҳларга (классларга) бирлаштирилган Тармоқлараро ташкилий-методик ва умумтехникавий асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлар.*

2.57 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Давлатлараро кенгашининг ижро идораси:

*Стандартлаштириш бўйича бюро.*

2.58 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Давлатлараро кенгаши қандай ҳужжатларни қабул қилади?

*Давлатлараро стандартлар, давлатлараро стандартлаштириш қоидалари, давлатлараро стандартлаштириш бўйича тавсияларни.*



2.59 O`z DSt. 1.6:2003 «Ўз СДТ. Меъёрий ҳужжатлар. тузилиши, баён этилиши, расмийлаштирилиши ва мазмунига ҳамда белгиланишига умумий талаблар» қабул қилинганлиги муносабати билан ГОСТ 1.5. «Давлатлараро стандартлантириш бўйича ишларни бажариш қоидалари. Стандартларнинг тузилиши, баён этилиши, расмийлаштирилиши ва мазмунига умумий талаблар» бекор қилинганми?

*Ўзбекистон миллий стандартларини ишлаб чиқишга оид қисми бекор қилинган.*

2.60 Қурилиш соҳасида давлатлараро стандартларни қандай ташкилот қабул қилади?

*Қурилишда стандартлаштириш ва техник нормалаш бўйича Давлатлараро илмий-техникавий комиссия.*

2.61 Ўзстандарт Агентлиги OFz DSt ни давлатлараро стандарт (ГОСТ) лойиҳаси сифатида таклиф эта оладими?

*Таклиф эта олади.*

2.62 Ўзстандарт Агентлиги давлатлараро стандартлар (ГОСТ) ва давлатлараро стандартлаштириш қоидаларини қўлланишни бир томонлама бекор қила оладими?

*Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Давлатлараро кенгашининг ижро идораси ва бошқа давлатларнинг стандартлаштириш бўйича миллий идораларини хабардор қилиш шарти билан рухсат этилади.*

2.63 OFz DSt. 1.6:2003 «Ўз СДТ. Меъёрий ҳужжатлар. Тузилиши, баён этилиши, расмийлаштирилиши ва мазмунига ҳамда белгиланишига умумий талаблар»ни қабул қилинганлиги муносабати билан қайси меъёрий ҳужжат бекор қилинган?

*OFz DSt. 51-050:1996 «Ўз СДТ. Меъёрий ҳужжатларнинг расмийлаштирилишига талаблар»*

2.64 «Стандарт» атамаси, жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)нинг савдодаги техник тўсиқлар (СТТ) бўйича Келишуви таърифи бўйича, хизматларга қўлланиладими?

*Қўлланилмайди.*

2.65 Жаҳон савдо ташкилотининг савдодаги техник тўсиқлар (СТТ) бўйича Келишуви таърифи бўйича стандарт статусининг стандартлаштириш халқаро ташкилоти (ИСО) таърифидан фарқи нимада?

*ИСО бўйича стандарт ихтиёрий ёки мажбурий бўлиши мумкин.*

2.66 Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) аъзолари - мамлакатлар ўртасида хизматлар соҳасидаги муносабатлар қандай келишув асосида тартибга солинади?

*Хизматлар савдосидаги техник тўсиқлар бўйича Бош келишув (ГАТС) бўйича.*

2.67 Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) бўйича Келишувнинг ажралмас қисми бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар:

*Кўп томонлама савдо келишувлари ва қатнашчилар доираси чекланган келишувлар.*

2.68 Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)нинг қоидалари бўйича Товарлар ва хизматлар савдосидаги техник тўсиқларни йўқотиш нима асосда таъминланади?

*Техник регламентлар ва стандартлар билан.*

2.69 Техник регламентларни ким белгилайди?

*Ўзбекистон Республикасининг қонунлари.*

2.70 Стандартларни тайёрлаш, тасдиқлаш ва қўлланишга оид Ҳалол амалиёт кодексининг мазмуни:

*Риоя қилиниши мажбурий бўлган қоидалар мажмуи.*

2.71 Стандартларни тайёрлаш, тасдиқлаш ва қўлланишга оид Ҳалол амалиёт Кодексига мувофиқ стандартлаштириш бўйича ишлар дастурини чоп этиш даврийлиги:

*Олти ойда бир марта.*

2.72 Қўлланиш ихтиёрий бўлган маҳсулот стандартларида қандай талаблар кўрсатилади?

*Маҳсулотдан фойдаланиш тафсилотларига талаблар*

2.73 Стандартларни тайёрлаш, тасдиқлаш ва қўлланишга оид Ҳалол амалиёт Кодексига мувофиқ стандарт тасдиқлангандан кейин қандай муддат ичида чоп этилади?

*Дарҳол.*

2.74 «Стандартлаштириш соҳаси» атамасининг моҳияти:

*Ўзаро боғлиқ стандартлаштириш объектларининг мажмуи.*

2.75 «Стандарт» атамаси таърифининг контекстида «консенсус» атамасининг тушунчаси:

*Ўзаро мос келмаган қарашлар нуқтаи назарларни бир-бирига яқинлаштириш мақсадида барча манфаатдор томонларнинг фикрини ҳисобга олишга интилиш.*

2.76 Узлуксиз таълим тизимида давлат стандартларини тасдиқлаш учун асос бўлган Ўзбекистон Республикасининг қонунлари:

*«Стандартлаштириш тўғрисида» Қонун*

2.77 «Давлат таълим стандартлари тўғрисида» низом ким томонидан тасдиқланган?

*Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган.*

2.78 Маҳсулотга меъёрий ҳужжат (МХ)нинг илмий-техникавий даражасини баҳолаш мақсади:

*Халқаро, давлатлараро, тармоқ, хорижий МХларга мувофиқлигини аниқлаш.*

2.79 Меъёрий ҳужжатлар (МХ) лойиҳасининг илмий-техникавий даражаси баҳоланадими?

*Баҳоланади.*

2.80 Меъёрий ҳужжатлар (МХ)га киритиладиган ўзгартиришларнинг илмий-техникавий даражаси баҳоланадими?

*Баҳоланади.*

2.81 Маҳсулотга меъёрий ҳужжат (МХ)нинг илмий-техникавий даражасини баҳолашда ҳар бир кўрсаткичнинг нисбий қийматини аниқлаш:

*Баҳоланадиган МХ ва аналогнинг ҳар бир кўрсаткичи абсолют қийматларининг нисбати билан аниқланади.*

2.82 Баҳоланадиган меъёрий ҳужжат илмий-техникавий даражасининг комплекс кўрсаткичини аниқлаш:

*Аналогнинг ҳар бир кўрсаткичи нисбий қийматларининг жами қиймати ва таққосланадиган баҳолаш кўрсаткичлари миқдорининг нисбати билан аниқланади.*

2.83. Баҳоланадиган меъёрий ҳужжат илмий-техникавий даражаси комплекс кўрсаткичи қийматларининг бир рақамдан жоиз фарқланиши:

*3%*

2.84 Меъёрий ҳужжатлар (МХ) илмий-техникавий экспертизасининг мазмуни:

*Тармоқлараро стандартлаштириш тизимларига мувофиқлигини экспертиза қилиш ва МХнинг илмий-техникавий даражасини баҳолаш.*

2.85 Бир турли маҳсулотлар гуруҳига олдиндан тузилган стандартлар стандартларнинг қайси турига киради?

*Умумий техникавий талабларга киради.*

2.86 Олдиндан тузилган стандартларда белгиланадиган техникавий даража ва сифат босқичларининг сони:

*Учта.*

2.87 Халқаро (ҳудудий) стандартлар олдиндан тузиладиган стандартлар бўлиши мумкинми?

*Бўлиши мумкин.*

2.88 Ўзбекистон давлат стандартларини тасдиқлайдиган ташкилотлар сони:

*Бешта.*

2.89 Давлатархитектурақурилиш Ўзбекистон давлат стандартларини тасдиқлаш ҳуқуқига эгами?

*Эга.*

2.90 Турли вақтлардаги харажатларни бир йилга келтиришда қўлланиладиган келтириш нормативининг қиймати:

*0,1*

2.91 Капитал маблағларнинг иқтисодий самарадорлигининг норматив коэффиценти  $E_n$  :

*0,15 га тенг.*

2.92 Капитал маблағларнинг қопланиш муддати  $T_x$  нимага тенг?

*Қўшимча капитал маблағларнинг йиллик тежамга нисбатига тенг.*

2.93 Капитал маблағлар ҳисобланган иқтисодий самарадорлиги коэффиценти  $E_n$  :

*Капитал маблағларнинг қопланиш муддати  $T_x$  га тескари қийматга тенг.*

2.94 Ҳисобланган  $E_x$  ва норматив  $E_n$  иқтисодий самардорлик коэффицентларининг нисбати қандай бўлганда стандартлаштириш тадбирлари иқтисодий мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади?

*$E_x$  қ  $E_n$  бўлганда.*

2.95 Меъёрий ҳужжатни корхонада жорий этиш ишларининг тугалланганлиги қандай ҳужжат билан расмийлаштирилади?

*Ҳўжалик субъекти комиссиясининг асосий истеъмолчи (бўжуртмачи) вакилининг иштирокида ёзилган далолатномаси (акти) билан.*

### 3-боб. Стандартлаштиришнинг назарий асослари

3.1 «Стандартлаштириш объектларининг параметрлари» тушунчасининг моҳияти:

*Объектнинг хоссаларини миқдор жиҳатдан тавсифловчи қийматлар.*

3.2 «Стандартлаштириш объектининг мақбул параметрлари» тушунчасининг моҳияти:

*Энг катта мумкин бўлган самарадорликка мос келувчи объект хоссалари.*

3.3 Мумкин бўлган энг катта самарадорлик мос келадиган стандартлаштириш объектлари параметрларининг қийматлари қандай аталади?

*Мақбул (оптималь) қийматлар.*

3.4 Максимал самарадорлик:

*Самаранинг харажатларга нисбатининг максимал (энг катта) қиймати аниқланади.*

3.5 Самара (натижа) қуйидаги маънони билдиради:

*Меҳнат ва моддий бойликларнинг пулда ва/ёки натурал кўрсаткичларда ифодаланган тежамлари.*

3.6 «Афзалроқ сонлар» тушунчасининг моҳияти:

*Стандартлаштиришда афзалроқ қўлланиш учун тавсия этиладиган сонлар.*

3.7 Арифметик прогрессия бўйича тузилган сонлар қатори нимани ифодалайди?

*Иккита ёндош сонлар айирмаси (оралиғи) қиймати ўзгаришсиз қолади.*

3.8 Поғонали-арифметик прогрессия бўйича тузилган сонлар қатори нимани ифодалайди?

*Иккита ёндош ҳадлар айирмаси (оралиғи) қийматлари қаторнинг фақат маълум қисми учун ўзгармай қолади.*

3.9 Геометрик прогрессия нима?

*Қаторнинг навбатдаги ҳар бир ҳади ўздан олдинги ҳаднинг ва мазкур қатор учун ўзгармас катталиқнинг кўпайтмаси бўлган сонлар қатори.*

3.10 Қаторнинг навбатдаги ҳадини олиш учун аввалги ҳад кўпайтириладиган геометрик прогрессия қатори ўзгармас катталиқнинг номи:

*Маҳраж.*

3.11 R5, R10, R20, R40 қаторлар учун геометрик прогрессия маҳражларининг қиймати:

*1,6; 1,25; 1,12; 1,029*

3.12 Диаметри 1-600 мм ли метрик резьба (диаметри ва қадами) га ва тишли ғилдирақлар модулларига стандартлар қандай афзал сонлар қатори асосида тузилган?

*Поғонали-арифметик прогрессия.*

3.13 Стандартлаштириш объектларининг параметрларини оптималлаштириш учун кириш маълумотлари сифатида хизмат қиладиган функциялар:

*Векторли ва скаляр функциялар.*

3.14 «Бирхиллаштириш» атамасининг моҳияти:

*Зарур эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган маҳсулот, жараёнлар ёки хизматларнинг ўлчамлари ёки турларининг мақбул сонини танлаш.*

3.15 Стандартлаштириш ва бирхиллаштиришнинг ўзаро боғлиқлиги:

*Бирхиллаштириш - стандартлаштиришнинг шакли.*

3.16 Стандартлаштириш объектларининг параметрларини баҳорат қилиш аниқлиги ошиши билан харажатлар:

*Ошади.*

3.17 Стандартлаштиришнинг иқтисодий самарасини аниқлашда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар:

*Капитал маблағ, таннарх, капитал маблағларнинг қопланиш мuddати, капитал маблағларнинг самарадорлик коэффициенти.*

3.18 Стандартлаштиришнинг самарадорлигини аниқлаш асосий принципи:

*Тадбирларни реализация қилишгача ва реализация қилингандан кейинги келтирилган харажатларнинг қиёси.*

3.19 Стандартлаштиришнинг мураккаб боғланишларини тадқиқ этиш учун қандай моделлар тузилади?

*Математик моделлар.*

3.20 «Стандартлаштириш объекти» тушунчаси нима билан тавсифланади?

*Объектнинг ўзидаги ички ва объектдан ташқаридаги боғланишларнинг мураккаблиги билан тавсифланади.*

#### **4-боб. Стандартлар ва ўлчашларнинг бирлигини таъминлаш устидан давлат текшируви ва назорати**

4.1 Стандартлар ва ҳўжалик субъектларида ўлчаш воситалари устидан давлат назоратини ўтказиш мuddатлари:

*Кўпи билан 30 календар кун.*

4.2 Реализация қилинган маҳсулот нархининг 100% (фоизи) миқдорида жарима ундириш мумкин бўлган давр:

*Меъёрий ҳўжжат бузилган ҳолда маҳсулот етказиб берилган (реализация қилинган) кундан бошлаб бир йил ичида.*

4.3 Меъёрий ҳўжжат бузилган ҳолда конструкторлик, технологик, лойиҳа ҳўжжатларини буюртмачига (ишлаб чиқаришга) топширганлиги учун жарима ундириладими?

*Агар бу ҳўжжатларда маҳсулот сифатига оид меъёрий ҳўжжат бузилган бўлса, жарима ундирилади.*

4.4 Нуқсонларни бартараф этиш тўғрисида асосий истъеъмолчи иштирокида тузилган далолатнома (акт) мавжуд бўлгани ҳолда,

тақиқланган маҳсулот түпини давлат инспекторининг рухсатисиз реализация қилганлиги учун жарима ундириладими?

*Ундирилади.*

4.5 Қандай ҳолларда текширув натижалари бўйича давлат назоратининг алоҳида тартиби киритилади?

*Меъёрий ҳужжат мунтазам равишда бузилганда ва ишлаб чиқаришни тўхтатиш мумкин бўлмаган ҳолларда.*

4.6 Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг рухсатисиз такрор текширувларни ўтказиш қандай ҳолларда рухсат этилади?

*Ҳўжалик субъектлари аввалги текширув натижалари бўйича тузилган далолатнома ва кўрсатмаларида кўрсатилган муддатларда мурузжаат қилганда.*

4.7 Сертификатлаштириш ва метрология бошқармаси (СМБ) нинг ташаббуси бўйича ҳўжалик субъектларида кўпи билан бир иш кунда бўлиб, текширув ишларини ўтказиш учун асос:

*Мувофиқлаштирувчи кенгаш билан келишилган квартал режаси-графи.*

4.8 Давлат назорати ўрнатиладиган объектлар:

*Меъёрий ҳужжатлар, шу жумладан, маҳсулотга мажбурий талабларни ўрнатадиган меъёрий ҳужжат, маҳсулот.*

4.9 OFz RH 51-033:2001 давлат назоратини амалга оширишда:

*Ўзстандарт Агентлиги ташкилотлари ва лавозимли шахслари учун мулжалланган.*

4.10. Илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва технологик ташкилотларида давлат назорати объектлари:

*Илмий-техникавий маҳсулот.*

4.11 Барча ҳолларда меъёрий ҳужжатни текширишда нимага амал қилинади:

*Ўз РСТ 1.5-93*

4.12 Давлат назоратини ўтказиш учун Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси буйруғи қачон чиқарилади?

*Давлат инспекторлари давлат назорати субъектига борадиган барча ҳолларда.*

4.13 Давлат инспекторлари Текширувларни қайд этиш китобига қачон ёзувлар ёзиши керак?

*Текширув бошланиши олдидан.*

4.14Текширувларни қайд этиш китоби тўлдирилганидан кейин уни ким тасдиқлайди?

*Ҳўжалик субъекти ва текширув раҳбарлари.*

4.15 Маҳсулотнинг намуналари (кичик намуналари) ни ажратиб олувчилар:

*Давлат инспектори текшириладиган муассасанинг лавозимли шахслари иштирокида ажратиб олади.*

4.16 Давлат назорати субъекти текширувдан бош тортган ҳолда, субъект раҳбари бу тўғрида қаерга ёзади?

*Стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг буйруғида.*

4.17 Ҳўжалик субъектига жарима солиш учун нима асос бўлади?

*Давлат назорати натижалари бўйича тузилган далолатнома.*

4.18 Тақиқланганлигига қарамай маҳсулотни реализация қилганлиги учун нега маҳсулот нархининг 50 фоизи миқдорида жарима қўлланилади?

*Эҳтимол, камчиликлар бартараф этилган ва реализация қилинган маҳсулот меъёрий ҳужжатга мос бўлган.*

4.19 Экспорт маҳсулотини давлат назорати идораларининг рухсатсиз реализация қилганлиги (жўнатишганлиги) учун маҳсулот нархининг қандай миқдорида жарима қўлланилади?

*50%.*

4.20 Тўловнинг ўтказиб юборилган ҳар куни учун жарима суммасининг қандай фоизи олинади?

*0,2%.*

4.21 Давлат инспекторининг ҳаракатлари устидан юқори мансабдор шахсга ёки судга қандай муддатда шикоят қилиш мумкин?

*10 кунлик муддатда.*

4.22 Давлат назорати далолатномасининг матнига киритилган алоҳида тузатишлар ким томонидан тасдиқланиши керак?

*Текширувчи ва давлат назорати субъектининг вакили томонидан.*

4.23 Давлат назорати далолатномасининг тўлиқлигига, ишончилигига масъулият кимга юклатилади?

*Текшириш раҳбарига.*

4.24 Давлат назоратининг далолатномалари муассаса тобе бўлган юқори ташкилотга ва Ўзстандарт Агентлигига қандай муддатда жўнатилади?

*Уч кун муддатда.*

4.25 Давлат назорати далолатномасининг бир нусхаси стандартлаштириш ва метрология бошқармасида неча муддат сақланади?



*Беш йил.*

4.26 Давлат назорати субъектлари далолатномани олгандан кейин ташкилий-техникавий чора-тадбирлар режасини Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси (СМБ) га қандай муддатда беради (жўнатади)?

*Беш кундан кечиктирмай.*

4.27 Давлат назоратини ўтказиш учун асосни текширув субъектининг раҳбарига тилхат билан топшириш мумкинми?

*Мумкин.*

4.28 Мувофиқлаштирувчи кенгаш билан келишилмасдан туриб, Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан режадан ташқари давлат назоратини ўтказиш рухсат этиладими?

*Рухсат этилмайди.*

4.29 Меъёрий ҳужжатни илмий-техникавий экспертизасининг мазмуни:

*Ўз СДТ, Ўз СМТ, Ўз ЎДТ, бошқа тармоқлараро стандартлаштириш тизимларига мувофиқлиги ва илмий техникавий даражасини баҳолаш.*

4.30 Маҳсулотга (хизматларга) маъмурий-ҳудудий стандартлар давлат рўйхатидан ўтказилиши керакми?

*Ўтказилади, албатта.*

4.31 Маҳсулотни меъёрий ҳужжатсиз ишлаб чиқариш факти аниқланганда кўриладиган чоралар?

*Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ман этилади.*

4.32. Технологик жараённинг аниқлик коэффициенти қачон қониқарли бўлади?

*$K_m$  1,0 да*

4.33 Объектнинг маълум вақт ичида ёки маълум ҳажмда иш бажарган давр ичида иш қобилиятини узлуксиз сақлаш хусусияти:

*Бузилмасдан ишлашлик.*

4.34 Маҳсулот (буюмлар, машиналар, жиҳозлар) серияли ишлаб чиқарилганда қандай синовлар ўтказилади?

*Қабул қилиш, топшириш ва даврий синовлар.*

4.35 Маҳсулотни серияли ишлаб чиқаришга қўйиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун қабул комиссияси таркибини ким шакллантиради?

*Маҳсулотни ишлаб чиқувчи.*

4.36 Саноат корхоналарида давлат назорати объектлари:

*Сериялаб ишлаб чиқариладиган ва янгитдан ўзлаштириладиган маҳсулот.*

4.37 Хўжалик субъектларида давлат назоратини амалга ошириш даврийлиги.

*Йилига кўпи билан бир марта.*

4.38 Буюмнинг иш қобилиятини белгиланган муддатда тиклаш эҳтимоллиги:

*Таъмирлашга яроқлилиқ.*

4.39 Режадан ташқари давлат назорати нимага асосан ўтказилади?

*Махсус ваколатли идора қарорига мувофиқ ўтказилади.*

4.40 Корхонанинг реализация қилинадиган маҳсулотига стандартлари давлат рўйхатидан ўказиладими?

*Ўтказилади.*

4.41 О`з Т 51-117:2002 «Машинасозлик комплекси корхоналарида давлат назоратини ўтказиш тартиби» тавсиялари кимга мўлжалланган?

*Сертификатлаштириш ва метрология бошқармасининг давлат инспекторлари учун мўлжалланган.*

4.42 Давлат назоратига тайёрланишда текшириш ўтказиш режасини ким ишлаб чиқади?

*Текшириш раҳбари.*

4.43 Давлат назоратини амалга оширишда оралиқ далолатномалар, маълумотномалар ва бошқа хужжатларга ким имзо қўяди?

*Текширув ва назорат субъектнинг махсус ажратилган шахси.*

4.44 Текшириш раҳбари текшириш ва назорат субъектнинг тегишли бўлимлари ва хизматларига корхонанинг ишини тавсифловчи маълумотномаларни тайёрлаш тўғрисида топшириқни ким орқали беради?

*Корхонанинг махсус ажратилган масъул вакили орқали беради.*

4.45 Маҳсулот намуналари (кичик намунаси) тешириш учун қандай миқдорда ажратиб олинади?

*Меъёрий хужжатда кўрсатилган миқдорда.*

4.46 Маҳсулотнинг намуналари (кичик намуналари) органолептик (ташқи кўриқдан ўтказиб) текшириш учун қандай миқдорда ажратиб олинади?

*Текшириладиган тўндан камида 10% миқдорда.*

4.47 Текшириш салбий натижа берганда қандай ҳолларда икки хисса кўп кичик намуна ажратиб олинади?

*Агар бу меъёрий хужжатда назарда тутилган бўлса.*

4.48 Намуналар (кичик намуналар) нинг икки хисса ортиқ миқдорини текшириш натижалари нимага талбиқ этилади?

*Текшириладиган тўпнинг ҳаммасига.*

4.49 Маҳсулот намуналари (кичик намуналари) ни ажратиб олишда бир вақтнинг ўзида қуйидагилар текширилади:

*Товарга қўшиб жўнатиладиган ҳужжатларнинг борлиги, ўрамлар, тамгалар, консервация ва бутликнинг меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги.*

4.50 Объектив методлар билан ва органолептик (ташқи кўриқдан ўтказиб) текширишда қуйидагилар текширилади:

*Маҳсулотнинг барча кўрсаткичлар бўйича меъёрий ҳужжатга мувофиқлиги.*

4.51 Даврий синовлар натижалари давлат назоратининг далолатномасида қандай шаклда акс эттирилади?

*Фақат даврий синовларда тешириладиган меъёрий ҳужжат кўрсаткичлари бу синовларнинг баённомаларидан олиниб, далолатнома (акт) га, баённоманинг реквизитларини кўрсатиб, ёзилади.*

4.52 Йиғма қисмларни ва йиғиш сифатини текшириш учун буюм (машиналар, жиҳозлар) ни қисмларга ажратиш шартми?

*Қисмларга ажратиш шарт.*

4.53 Корхонада текшириш (синаш, ўлчаш, таҳлил) ишларини ТТБ (техник текширув бўлими) ва завод лабораторияларининг ходимлари кимнинг иштирокида бажаради?

*Давлат инспекторининг иштирокида.*

4.54 Маҳсулотга меъёрий ҳужжат қанчада текширилади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади?

*Одатда, тасдиқланган кундан бошлаб ҳар беш йилда.*

4.55 Текшириш ва ёки таҳлилни чет синаш лабараториялари (марказлари) да ўтказиш рухсат этиладими?

*Фақат аккредитланган синаш лабораториялари (марказлари)да рухсат этилади.*

4.56 Меъёрий ҳужжатда кўрсатилган даврий синаш натижалари қандай ҳолларда таҳлил қилинади?

*Қисқа муддатли текширувлардан бошқа, барча ҳолларда.*

4.57 Текшириш ўтказиш режасини тасдиқловчи лавозимли шахс?

*Сертификатлаштириш ва метрология бошқармасининг раҳбарияти.*

4.58 Қандай ҳужжат олдин қабул қилинади - текшириш ўтказиш режаси ёки сертификатлаштириш ва метрология бошқармасининг буйруғими?

*Текшириш ўтказиш тўғрисида буйруқ.*

4.59 Агар текшириш ўтказилмаган бўлса, О'з Т 51-117:2002 бўйича Б2 «Йиғма қисмлар (деталлар) ни текшириш натижалари» формасини тўлдириш керакми?

*Тўлдирилмайди.*

4.60 О'з Т 51-117:2002 бўйича Б4 «Даврий синовларни (текширишларни) ўтказиш тартибининг мувофиқлиги» формасини тўлдириш керакми?

*Агар меъерий ҳужжатда даврий синовлар кўзда тутилмаган бўлса, форма тўлдирилмайди ва давлат назоратининг далолатномаси (акти)га қўшилмайди*

4.61 Саноат корхоналарида технологик жиҳозлар ва технологик интизомга риоя қилиш давлат назоратининг объекти бўладими?

*Бўлади.*

4.62 Корхонанинг янги ўзлаштирилган маҳсулотни чиқаришга тайёрлиги давлат назоратида текшириладими?

*Текширилади, албатта*

4.63 Корхоналарда конструкторлик ва технологик ҳужжатлар давлат назоратида текшириладими?

*Текширилади.*

4.64 Қишлоқ хўжалик корхоналари (ташкilotлари) да қуйидагилар давлат назорати объекти бўлади:

*Ишлаб чиқариладиган, заготовка қилинадиган ва қайта ишланадиган маҳсулотлар.*

4.65 Қишлоқ хўжалик корхоналари (ташкilotлари) да ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш технологияларига риоя қилиш давлат назоратида текшириладими?

*Текширилади.*

4.66 Транспорт корхоналари (ташкilotлари)да транспортнинг техник ҳолати давлат назоратида текшириладими?

*Текширилади.*

4.67 Транспорт корхоналари (ташкilotлари)да эҳтиёт қисмларга сертификатларнинг борлиги давлат назоратида текшириладими?

*Текширилади.*

4.68 Тарқатиш ва савдо ташкilotларида маҳсулот сифати давлат назоратининг объекти бўладими?

*Бўлади.*

4.69 Маҳсулотни ишлатиш, (истеъмол қилиш, фойдаланиш) корхоналари (ташкilotлари) да маҳсулотни ишлатиш (фойдаланиш, истеъмол қилиш) шароитлари ва қондалари давлат назоратидан ўтказиладими?

*Ўтказилади.*

4.70 Истеъмолчилар корхонаси (ташкилотлари)да ишлатиш, фойдаланиш хужжатлари давлат назоратида текшириладими?

*Текширилади.*

4.71 Маиший хизматлар муассасалари (ташкилотлари)да нималар давлат назорати объекти бўлади?

*Чиқариладиган маҳсулот, ишлаб чиқариш характеридаги хизматлар ва меъёрий ҳужжатлар.*

4.72 Давлат назорати турлари:

*Даврий ва доимий.*

4.73 Хўжалик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат назоратининг асосий тамойилларидан бири бўладими?

*Бўлади.*

4.74 Хўжалик субъектларининг фаолиятига аралашмаслик давлат назоратининг асосий тамойиллари рўйхатига кирадими?

*Киради.*

4.75 Режали давлат назорати учун асос:

*Мувофиқлаштириш режасидан кўчирма, стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг буйруғи, текшириш режаси.*

4.76 Фавқулодда вазиятларнинг содир бўлишини олдини олиш билан боғлиқ бўлган, режалардан ташқари текширувлар мувофиқлаштирувчи кенгаш билан келишилиб олинадими?

*Келишилади.*

4.77 Меъёрий ҳужжатни, метрология қоидаларини бузмайдиган, барқарор сифатли маҳсулот чиқарадиган хўжалик субъектларида давлат назорати даврийлиги қандай бўлади?

*2 йилда кўпи билан бир марта.*

4.78 Хўжалик субъектларининг мурожаати бўйича, Мувофиқлаштирувчи кенгаш билан келишилмасдан, корхоналарда экспорт маҳсулотни текшириш рухсат этиладими?

*Агар текшириш мақсади маҳсулотни жўнатишига рухсат бериш бўлса, текшириш рухсат этилади.*

4.79 Хўжалик субъектларининг мурожаатлари бўйича, Мувофиқлаштирувчи кенгаш билан келишилмасдан, давлат назоратининг компетенциясидаги турли ишларни корхонларда ўтказиш рухсат этиладими?

*Рухсат этилади.*

4.80 Давлат назорати идоралари ўзининг ташаббуси билан, экспорт маҳсулотни қабул қилиш бўйича ваколатли шахслар

фаолиятини корхонада кўпи билан бир кун бўлиб, текшириш ҳуқуқига эгами?

*Агар мувофиқлаштирувчи кенгаш билан келишилган, квартал режа-графи бор бўлса, текшириш ҳуқуқига эга бўлади.*

4.81 Давлат назорати идораларига, ўзининг ташаббуси билан, реализация қилинадиган маҳсулотнинг яроқлик муддатига риоя қилинаётганлигини корхонада кўпи билан бир иш куни бўлиб, текшириши рухсат этиладими?

*Агар Мувофиқлаштирувчи кенгаш билан келишилган квартал режа-графи бор бўлса, рухсат этилади.*

4.82 Давлат назорати субъектлари давлат назоратини ўтказишда зарур ёрдам беришлари шартми?

*Шарт.*

4.83 Ўзини-ўзи текширадиган шароиларда ишлайдиган шахслар тайёрлаган маҳсулот тўпидан намуна (кичик намуна)лар олиш рухсат этиладими?

*Рухсат этилади.*

4.84 Темир йўл транспортда йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича меъёрий ҳужжатга риоя қилишни давлат назоратидан ўтказишда ажратиб олинган намуналар нималардан иборат бўлади?

*Вагонлар (купе) ларнинг санитария-гигиеник ҳолати, қулайлиги, шинамлиги хизматларга меъёрий ҳужжатга риоя қилинишидан иборат.*

4.85 ТТБ қабул қилган маҳсулот текширув пайтида йўқ бўлса, давлат инспекторининг ҳаракатлари:

*Маҳсулот чиқариш шароитларини текширишдан иборат.*

4.86 Корхонада қўлланиладиган, намуна (кичик намуна)ларни текшириш натижалари баённомаси формаларидан фойдаланиш рухсат этиладими?

*Рухсат этилмайди.*

4.87 Давлат инспектори меъёрий ҳужжат талабларининг ва метрологик қондаларининг бузилиши муайян сабабларини аниқлаши лозимми?

*Лозим.*

4.88 Давлат назорати натижалари бўйича тузилган далолатномада қуйидаги бўлимлар бўлиши керак:

*Бошланғич маълумотлар; меъёрий ҳужжатга риоя қилишни текшириш натижалари; меъёрий ҳужжат талабаларининг бузилиши сабаблари; хулосалар.*

4.89 Меъёрий ҳужжатни бузишда айбдор, хўжалик субъектининг муайян лавозимли шахслари давлат назорати далолатномасида кўрсатиладими?

*Кўрсатилади.*

4.90 Текширувда аниқланган бузилишларнинг бартараф этилганлигини текшириш муддати давлат назорати далолатномасининг хулосаларида кўрсатиладими?

*Кўрсатилади.*

4.91 Намуна (кичик намуна)ларни ажратиб олиш тўғрисидаги далолатнома давлат назорати далолатномасига қўшиладими?

*Қўшилади.*

4.92 Олдинги текширишлар натижалари давлат назорати далолатномасида акс эттириладими?

*Акс эттирилади.*

4.93 Меъёрий ҳужжатнинг бузилишлар аниқланган моддаларининг тартиб рақамини давлат назорати далолатномасида кўрсатиш керакми?

*Кўрсатиш керак.*

4.94 Сертификатлаштириш ишларининг ҳолати Давлат назорати далолатномасининг «Меъёрий ҳужжатлар талабларининг бузилиш сабаблари» бўлимида кўрсатиладими?

*Кўрсатилади.*

4.95 Йил бошидан бери чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажми кўрсатиладими?

*Кўрсатилади.*

4.96 Маҳсулот сифатининг пастлигига шикоятлар тўғрисидаги маълумотлар қўшиладими?

*Қўшилади.*

4.97 Сифат тизимларининг самарадорлиги тўғрисидаги маълумотларни «Меъёрий ҳужжат талабларининг бузилиш сабаблари» бўлимига қўшиш керакми?

*Қўшиш керак.*

4.98 Меъёрий ҳужжатда кўрсатилган, намунавий синовлар натижаларини таҳлил қилиш қандай ҳолларда амалга оширилади?

*Таҳлил текшириши ўтказиш режасида кўзда тутилган ҳолларда амалга оширилади.*

4.99 Малакавий синовлар натижаларининг таҳлили давлат назоратида қандай ҳолларда бажарилади?

*Агар маҳсулот янгитдан ўзлаштирилган бўлса.*

4.100 Қабул синовлари натижаларининг таҳлили давлат назоратида қандай ҳолларда бажарилади?

*Агар маҳсулот янгитдан ўзлаштирилган бўлса.*

4.101 Давлат назорати далолатномасининг матнида барча иловаларга ҳаволалар бериш мажбурийми?

*Мажбурий*

4.102 Давлат назорати далолатномасининг нусхасини сертификатлаштириш ва метрология бошқармасида сақлаш муддати тугагач, у нима қилинади?

*Архивга топширилади.*

4.103 Ишлаб чиқариш раҳбарининг телефони ва факсининг номерини текширишларни қайд қилиш китобида кўрсатиш лозимми?

*Кўрсатмаслик керак.*

4.104 Текширишларни қайд қилиш китобида «Текшириш бошланиши ва охири (ҳар кунги) санаси ва вақти» графасини ким тўлатади?

*Давлат назорати субъекти*

4.105 Текширишларни қайд этиш китобидаги қайси графаларни текшириш раҳбари тўлатади?

*2-7.*

4.106 Текширишларни қайд этиш китобидаги ёзувларни тузатиш рухсат этиладими?

*Ҳар бир тузатиш текшириш раҳбари ва хўжалик субъектининг раҳбари бутун Китоб бўйича имзо қўйиб, тасдиқланган ҳолларда, рухсат этилади.*

4.107 Сертификатлаштириш ва метрология бошқармаси буйруғининг номерини ва тасдиқланган санасини текширишларни қайд этиш китобининг 5-графасида кўрсатиш лозимми?

*Кўрсатиш лозим.*

4.108 Ўлчашлар операцияларининг ҳужжатлар талабига мувофиқлигини текшириш натижалари кимнинг имзоси билан расмийлаштирилади?

*Давлат инспекторининг*

4.109 Ўлчаш воситаларининг борлиги ва ҳолатини текшириш натижалари кимнинг имзоси билан расмийлаштирилади?

*Давлат инспекторининг*

4.110 Намуна (кичик намуна) ларни икки ҳисса миқдорда ажратиб олишни расмийлаштириш тартиби қандай?

*Намуналарни ажратиб олиш алоҳида далолатнома билан расмийлаштирилади.*



4.111 Намуна (кичик намуна) лар ажратиб олинган маҳсулот тўпи (тўплари) ни реализация қилишни текшириш тугагунга қадар тақиқлаш формаси қандай?

*Фармойиш намуна (кичик намуна) ларни ажратиб олиш далолатномасида кўрсатилади.*

4.112 Намуна (кичик намуна)лар ажратиб олинган, тез бузиладиган маҳсулот тўпи (тўплари)ни жўнатиш текшириш тугагунга қадар тақиқланадими?

*Тақиқланмайди.*

4.113 Намуна (кичик намуна) ларни ажратиб олиш далолатномасига ким имзо қўяди?

*Давлат инспектори ва давлат назорати субъектининг вакили*

4.114 Текшириш учун намуна (кичик намуна)лар ажратиб олинган маҳсулот тўпи (тўплари)ни реализация қилишга рухсат бериш тиртиби:

*Рухсат намуна (кичик намуна) ларни ажратиб олиш далолатномасида давлат инспекторининг имзоси билан берилади.*

4.115 Экспорт маҳсулот текшириш учун давлат инспекторига қандай шаклда тақдим этилади?

*Хабар бериб.*

4.116 Экспорт маҳсулотни текшириш учун давлат инспекторига бериладиган ҳужжатга ким имзо қўяди?

*Давлат назорати субъектининг раҳбарияти ва техник текширув бўлими раҳбари*

4.117 Меъмерий ҳужжатга мос келмайдиган маҳсулотни реализация қилиш тўғрисидаги маълумотномага имзо қўядиган лавозимли шахс:

*Раҳбар, режа бўлимининг бошлиғи, бош бухгалтер.*

4.118 Меъёрий ҳужжатга мос келмайдиган қишлоқ хўжалик маҳсулотини заготовка қилиш (етказиб бериш, реализация қилиш) тўғрисидаги маълумотномага ким имзо қўяди?

*Раҳбар, бош бухгалтер.*

4.119 Тақиқланганлигига қарамай, маҳсулотни жўнатганлик ҳоли қандай ҳужжат билан расмийлаштирилади?

*Махсус шаклдаги далолатнома билан.*

4.120 Меъёрий ҳужжат талабларига риоя қилинишини текшириш далолатномасига ким имзо қўяди?

*Текшириш раҳбари, давлат назорати субъектининг вакиллари.*

4.121 Экспорт маҳсулотни жўнатишга ким рухсат беради?

*Давлат инспектори (ваколатли шахс).*

4.122 Экспорт маҳсулотни жўнатишга рухсат қандай шаклда берилади?

*Экспорт қилинадиган маҳсулот сифатини текшириш далолатномасида қилинган ёзув шаклида.*

4.123 Раҳбарий ҳужжат О'з РН 51-041:1995 Йўриқнома «Корхонада меъёрий ҳужжатни давлат назоратидан ўтказиш алоҳида тартиботини жорий этиш тартиби» ким учун мажбурий?

*Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси ва давлат назорати субъектлари учун.*

4.124 Корхонада давлат назорати алоҳида тартиботининг моҳияти?

*Маҳсулотнинг ҳаммасини ёки алоҳида турларини ёппасига текширишни жорий этиш.*

4.125 Алоҳида тартибот шароитларида текшириш объектлари: *Маҳсулот ва меъёрий ҳужжатнинг бузилишларини бартараф этиш чора-тадбирлари.*

4.126 Сертификатлаштириш ва метрология бошқармаси давлат назоратининг алоҳида тартиботини амалга ошириш учун давлат бошқариш идораларининг, юридик шахслар уюшмасининг, истеъмолчиларнинг ва бошқа давлат назорати идораларининг мутахассисларини жалб эта оладими?

*Шартнома асосида жалб эта олади.*

4.127 Алоҳида тартибот мувофиқлаштириш режасига киритиладими?

*Даврий назорат давоми бўлади.*

4.128 Давлат назорати алоҳида тартиботининг амал қилиниш муддати:

*Сертификатлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан белгиланади, кўпи билан 30 календар кун бўлиб, бунга даврий давлат назоратини ўтказишга сарфланган вақт ҳам киради.*

4.129 Давлат назорати алоҳида тартиботини амал қилиш муддатини чўзиш мумкинми?

*Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори билан 60 календар кунгача чўзиш мумкин.*

4.130 Сертификатлаштириш ва метрология бошқармасининг давлат назоратининг алоҳида тартиботини киритиш тўғрисидаги буйруғига илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати:

*Бузилиш аниқланган барча маҳсулотни реализация қилиш (етказиб бериш)ни тақиқлаш тўғрисидаги кўрсатмалари ва мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорининг нусхаси.*

4.131 Давлат назоратининг алоҳида тартиботида техник текширув хизмати томонидан қабул қилинган маҳсулотни комиссияга тақдим этиш графигини ким тузади?

*Давлат назорати субъекти.*

4.132 Давлат назоратининг алоҳида тартиботида маҳсулотни комиссияга тақдим этиш шакли:

*Тақдимот хати билан.*

4.133 Давлат назоратининг алоҳида тартиботида маҳсулот тўпи (тўплари)нинг меъёрий ҳужжат талабларига мослигини комиссия томонидан баҳолаш тартиби:

*Қабул қилиш-топшириш синовлари ҳажмида баҳоланади.*

4.134 Давлат назоратининг алоҳида тартиботида маҳсулот тўпи (тўплари)ни реализация қилишга рухсат бериш шакли:

*Тақдим этиладиган хатдаги ёзув билан.*

4.135 Давлат назоратининг алоҳида тартиботи бўйича комиссияга маҳсулотни дастлабки тақдим этишда ҳужжатга имзо қўядиган корхонанинг лавозимли шахси:

*Техник текширув хизматининг раҳбари.*

4.136 Давлат назоратининг алоҳида тартиботи бўйича комиссияга маҳсулотни такрор тақдим этишда ҳужжатга имзо қўядиган корхонанинг лавозимли шахси:

*Корхона раҳбари.*

4.137 Давлат назоратининг алоҳида тартиботи қандай ҳужжат билан бекор қилинади?

*Сертификатлаштириш ва метрология бошқармасининг буйруғи билан.*

4.138 Агар давлат назоратининг алоҳида тартиботи натижасида чора-тадбирларнинг бажарилмаётганлиги, сифатнинг барқарорлиги таъминланмаётганлиги аниқланган бўлса, сертификатлаштириш ва метрология бошқармасининг ҳаракатлари:

*Сертификатлаштириш ва метрология бошқармасининг буйруғи билан алоҳида тартибот бекор қилинади ва шу буйруқнинг ўзи билан маҳсулотни реализация қилиш (етказиб бериш)ни тақиқлаш муддати чўзилади.*

4.139 Давлат назоратининг алоҳида тартиботи бўйича текшириш натижалари қандай расмийлаштирилади?

*Давлат назоратининг алоҳида тартиботида меъёрий ҳужжатга амал қилишни текшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади.*

4.140 Алоҳида тартиботда меъёрий ҳужжатга риоя қилишни текшириш далолатномасига тақдимот хатини ва текшириш

натижалари тўғрисидаги оралиқ далолатномаларнинг нусхалари илова қилинадими?

*Илова қилинади.*

4.141 Маҳсулотнинг бутлиги, идиши, идишларга жойлашиш (упаковка) ва тамғаланиши бўйича меъерий ҳужжатнинг бузилганлигига жарима ёзиладими?

*Агар бузилишлар маҳсулот сифатининг ёмонлашишига олиб келган бўлса, жарима ёзилади.*

4.142 Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган хизматларнинг меъерий ҳужжатлари бузилганлиги учун жарима ёзиладими?

*Жарима ёзилмайди.*

4.143 Маҳсулотни ташишда меъерий ҳужжатнинг бузилганлиги учун жарима ёзиладими?

*Агар бузилиш маҳсулот сифатининг ёмонлашишига олиб келган бўлса, жарима ёзилади.*

4.144 Хўжалик субъектларининг давлат инспекторининг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги юқори лавозимли шахс ёки судга берган шикоятларини кўриб чиқиш муддати?

*Ишнинг муракаблигига қараб 15 дан 30 кунгача.*

4.145 Меъерий ҳужжатсиз маҳсулот чиқаргани ва реализация қилгани учун маъмурий жавобгарликка тортиладими?

*Жавобгарликка тортилади.*

4.146 Хўжалик субъектларининг мурожаатлари бўйича давлат инспекторлари махсус ваколатли идоранинг рухсатсиз корхонада бўлиб, ишни давом эттириши мумкин:

*Кўпи билан бир кун.*

4.147 Меъерий ҳужжатни ва метрологик қоидаларни бузганлиги учун жарима ёзилади:

*Бошқа турдаги жавобгарликка тортилганлигидан қатъи назар.*

4.148 Реализация қилинган маҳсулотнинг 100% қиймати миқдорида жарима солинади:

*Меъерий ҳужжатнинг мажбурий талабларини бузганлиги учун.*

4.149 Стандартларнинг бажарилишини ва ўлчашларнинг бирлигини назорат қиладиган давлат инспектори маъмурий жавобгарлик кодекси бўйича жарима олиш ҳуқуқига эга:

*Минимал меҳнат ҳақининг бирдан икки қисми миқдорида.*

4.150 Агар маҳсулот меъерий ҳужжати қонунга зид келса, сертификатлаштириш ва метрология бошқармасининг ҳаракати:

*Меъерий ҳужжатни бекор қилиш ёки қайта кўриб чиқиш тўғрисида таклиф киритилади.*

4.151 Маҳсулот тўпидан текшириш учун намуна (кичик намуна) лар ажратиб олиш.

*Техник текширув хизмати қабул қилган маҳсулотдан олинади.*

4.152 Давлат назорати натижалари бўйича далолатнома ҳажми (иловаларни ҳисобга олмаганда) кўпи билан:

*Етти бетдан ошмаслиги керак.*

4.153 Тасодифий эксперимент, яъни тажриба ўтказиш ва мос натижани олиш:

*Синаш, деб аталади.*

4.154 Тажриба ўтказишда пайдо бўлиши ёки пайдо бўлмаслиги мумкин бўлган ҳар қандай факт (оқибат, натижа) эҳтимоллик назариясида:

*Тасодифий катталик, деб аталади.*

4.155 Мазкур тажрибани ўтказишда мумкин бўлган битта ва фақат битта қийматга эга бўладиган, бу қийматни тажриба ўтказишдан олдин башорат қилиб бўлмайдиган, ўзгарувчан катталик:

*Тасодифий катталик, деб аталади.*

4.156 Алоҳида, бир-бирига боғлиқ бўлмаган сонли қийматни маълум эҳтимоллик билан олиши мумкин бўлган тасодифий катталик:

*Дискрет тасодифий катталик, деб аталади.*

4.157 Мазкур чекли ва чексиз ораликда ҳар қандай сонли қийматни олиши мумкин бўлган тасодифий катталик:

*Узлуксиз тасодифий катталик, деб аталади.*

4.158 Узлуксиз тасодифий катталик тажриба натижасида:

*Ўлчаш йўли билан аниқланади.*

4.159 Дискрет тасодифий катталик учун топшириқ усуллари -бу:

*Тақсимот қатори ва тақсимот функцияси.*

4.160 Узлуксиз тасодифий катталиклар учун топшириқ усуллари-бу:

*Тақсимот функцияси ва тақсимот зичлиги.*

4.161 Текширилаётган параметрнинг танланмадаги энг катта ва энг кичик қийматлари ўртасидаги айирма:

*Танланма кўлами, деб аталади.*

4.162 Пайдо бўлиш эҳтимоли нолга жуда яқин (0,1; 0,05; 0,01 ва ҳ.к.) бўлган воқеа:

*Амалда мумкин бўлмаган воқеа, деб аталади.*

4.163 Эҳтимоллиги бирга жуда яқин (0,9; 0,95; 0,99 ва ҳ.к.) бўлган воқеа:

*Амалда ишончли воқеа, деб аталади.*

4.164 Объектнинг бузилмасдан ишлаши қандай кўрсаткичлар билан баҳоланади?

*Бузилмасдан ишлаган ўртача вақт (бузулгунга қадар бажарган иш ҳажми) ва бузилмасдан ишлаш эҳтимоллиги  $P(t)$ , бузулишларнинг жадаллиги  $Y(t)$ , бузулишлар оқими параметри  $W(t)$  билан баҳоланади.*

4.165 Танланмалар сони чекланган ва олдиндан белгиланган ҳолларда бир нечта танланмалар асосида буюмлар тўпини қабул қилиш ва ёки қабул қилмаслик тўғрисида қатор қабул қилинганда қабулдаги текшириш режасининг қандай тури қўлланилган?

*Кўп поғонали тури.*

4.166 Чекка ҳолат пайдо бўлгунга қадар объектнинг иш қобилиятини сақлаш хусусияти:

*Узоққа чидамлик.*

4.167 Ресурс (имкониятлар) синови таснифи:

*Синовлар мақсади, турлари, режалари ва объектлари, синовларни ўтказиш суръати ва усули, қайта такрорланадиган шикастланишларнинг турлари, синовларда буюмларнинг чекка ҳолатларининг танланган мезоналари бўйича таснифланади.*

4.168 Бош тўплам (мажмуа) дан тасодифий танлаб олинган элементларнинг фақат бир қисмини таҳлил қилиш:

*Танланма, қисмий тўплам, намуна (кичик намуна) ларни ажратиб олиш, деб аталади.*

4.169 Янги (такомиллаштирилган) маҳсулотни ишлаб чиққан ташкилот (ишлаб чиқувчи) конструкторлик ҳужжатларини сериялаб ишлаб чиқаришга беришдан олдин синовларнинг қандай турларини ўтказиши мумкин?

*Қабул, етилтириш, дастлабки ва намунавий синовларни ўтказиши мумкин.*

4.170 Таъмирга яроқлилигини тавсифлаш учун иккита кўрсаткич кўзда тутилган:

*Белгиланган вақда тикланиш эҳтимоллиги ва тикланиш ўртача вақти.*

4.171 Маҳсулотга оид норматив ҳужжатларда пухталики кўрсаткичлари аниқланмаган ҳолларда, бу кўрсаткичларни:

*Буюртмачи ишлаб чиқувчи билан келишилган ҳолда белгилайди.*

4.172 Доимий давлат назорати қандай шаклда амалга оширилади?

*Маҳсулотни қабул қилиш алоҳида тартиботи шаклида.*

4.173 Давлат назорати алоҳида тартиботини режалаштириш шакли.

*Режалаштирилмайди.*

4.174 Текширувларни мувофиқлаштириш идорасининг махсус вакили вазифаси қайси ташкилотга юклатилган?

*Мувофиқлаштириш кенгашига.*

4.175 Қайси ташкилотнинг хўжалик субъектларини текширишга оид қарори мажбурий ҳисобланади?

*Мувофиқлаштириш кенгашининг.*

4.176 Текширишларни мувофиқлаштириш режаси қандай тузилади?

*Мувофиқлаштириш кенгаши белгилаган тартибда.*

4.177 Режадан ташқари давлат назорати қандай тартибда бажарилади?

*Режали назорат каби тартибда амалга оширилади.*

4.178 Импорт маҳсулот қайси тилда тамғаланган бўлиши лозим?  
*Ўзбек тилида.*

4.179 Текширувчида текшириш учун асос бўлмаса, давлат назорати субъектининг ҳаракати қандай бўлади?

*Текширувга рухсат бермайди.*

4.180 Давлат назорати субъектининг раҳбари текширув мазмуни ёки натижаларига рози бўлмаганда, давлат назоратининг далолатномасига имзо қўйиши шартми?

*Имзо қўйиши шарт, лекин бунда давлат назоратининг далолатномасига ўзининг махсус фикрини ёзади.*

4.181 Давлат назорати инспекторлари ўзининг компетенцияси доирасида, ҳокимият ва бошқарув идоралари, хўжалик субъектларининг эгалари олдида тегишли лавозимли шахсларнинг жавобгарликлари тўғрисида масала қўйиш ҳуқуқига эками?

*Эга.*

4.182 Вазирликлар (маҳкамалар), бошқа корхона ва ташкилотларнинг мутахассисларини текшириш ишларига жалб қилиши тартиби:

*Шартнома асосида.*

4.183 Давлат инспектори қандай ҳолларда меъёрий ҳужжатлар ва метрологик қоидаларнинг бузилиши аниқ сабабларини белгилаши лозим?

*Барча ҳолларда.*

4.184 Давлат назорати натижалари бўйича чоралар кўриш тўғрисида таклифни ким тайёрлайди?

*Давлат инспектори.*

4.185 Давлат инспектори давлат назорати субъекти томонидан камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини тайёрлашда қатнашиши шартми?

*Шарт.*

4.186 Доимий давлат назоратига ишлаб чиқариш аҳволини ва чиқарилаётган маҳсулот сифатини таҳлил қилиш ишлари кирадими?

*Киради, албатта.*

4.187 Маҳсулотни маҳсус тартибот бўйича қабул қилиш комиссияси маҳсулотни синаш ва сертификатлаштиришда қатнашадими?

*Қатнашади.*

4.188 Доимий давлат назоратида маҳсулотнинг техник савиясини ва сифатини ошириш чора-тадбирларининг бажарилиши текшириладими?

*Текширилади.*

4.189 Тақиқланган маҳсулотнинг давлат назорати идорасининг рухсатисиз жўнатилганлиги аниқланганда тузиладиган далолатнома шакли:

*Маҳсус шакл бўйича тузилади.*

4.190 Экспорт маҳсулотни текшириш натижалари бўйича тузиладиган далолатнома шакли:

*Маҳсус шакл бўйича тузилади.*

4.191 Давлат назорати натижалари бўйича тузиладиган далолатномага қўйилган асосий талаблар:

*Аниқланган бузилишлар ҳақиқийлиги, асосланганлиги, уларнинг содир бўлиш сабаблари, қисқа баён этилиши.*

4.192 Далолатномани қўлда ёзиб, тузиш рухсат этиладими?

*Рухсат этилади, лекин далолатнома тушунарли, равшан ёзилган бўлиши лозим.*

4.193 Давлат назорати далолатномасининг ҳажмига иловалар кирадими?

*Кирмайди.*

4.194 Давлат инспекторлари кўрсатмалар ва қарорларнинг бажарилишини мунтазам равишда текшириб боришлари лозимми?

*Лозим.*

4.195 Меъёрий ҳужжат жорий этилган санадан кейин маҳсулотнинг талабларга мос келмаганлиги аниқланган бўлса, Давлат назоратининг далолатномаси қандай расмийлаштирилади?

*Меъёрий ҳужжатга риоя қилинмайди деб ёзилади.*



4.196 «Хўжалик субъектларининг фаолиятини текшириш ўтказиш тартиби ва Текширишларни қайд этиш китобини тўлдириш тўғрисида (янги таҳрир)» низоми ким томонидан тасдиқланган?

*Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

4.197 «Текширувчи идоралар томонидан амалга ошириладиган, хўжалик субъектларининг фаолиятини текширишларни ўтказиш тартиби тўғрисида» низоми ким томонидан тасдиқланган?

*Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган.*

---

---

## Иккинчи бўлим. МЕТРОЛОГИЯ

### 1-боб. Метрология

1.1 Ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича фаолиятнинг асосий мақсадини кўрсатинг.

*Турли вақтларда, турли шароитларда ва турли ўлчаш воситалари билан бажарилган ўлчашлар натижаларини таққослаш имкониятини таъминлаш.*

1.2 Ўзбекистон Республикаси ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимининг илмий асосини кўрсатинг.

*Метрология.*

1.3 Ўзбекистон Республикаси ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимининг ташкилий асосини кўрсатинг.

*Давлат метрология хизмати ва маҳкамалар, бирлашмалар, ташкилотлар ва муассасалар метрологик хизматлари.*

1.4 Ўзбекистон Республикаси ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича фаолиятни мувофиқлаштирувчи идора (идоралар)ни кўрсатинг.

*Метрология бўйича миллий идора - Ўзстандарт Агентлиги.*

1.5 Ўлчашлар бирлигини таъминлаш механизми нима?

*Метрологик текширув ва назорат.*

1.6 Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, аккредитлаш соҳасида келишилган сиёсатни амалга ошириш бўйича МДХ мамлакатларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи идорани кўрсатинг.

*Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш.*

1.7 Кўрсатилган халқаро ташкилотлардан қайси бири халқаро эталонларни сақлашни амалга оширади ва катталикларнинг бириликларини қайта ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларни олиб боради?

*Ўлчовлар ва тарозилар халқаро бюроси.*

1.8 Кўрсатилган халқаро ташкилотлардан қайси бири турли мамлакатларнинг метрология бўйича миллий идораларининг ўлчаш воситаларига талабларни бирхиллаштириши масалаларини кўриб чиқади?

*Метрология бўйича қонунлар чиқарувчи халқаро ташкилот.*

1.9 Жаҳон савдо ташкилотига киришни истаган мамлакат кўрсатилган талаблардан қайси бирини бажариши лозим?

*Метрология бўйича ҳудудий ташкилотларнинг бирига кириши лозим.*

1.10 Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида» қонуни низомларининг асосий йўналишини кўрсатинг.

*Давлатнинг ва алоҳида шахсларнинг белгиланган ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончсиз ўлчашлар натижасидаги салбий оқибатлардан ҳимоялаш.*

1.11 Давлат бошқармасининг қайси идоралари Ўзбекистон ўлчашлар давлат тизими ҳужжатларини тасдиқлаши мумкин?

*Фақат Ўзстандарт Агентлиги.*

1.12 Ўзбекистоннинг метрология соҳасидаги ҳозирги қонунларининг 1992-й гача ҳаракатда бўлган қонун-ҳуқуқий ҳужжатларидан асосий фарқини кўрсатинг.

*Давлат метрологик текширув ва назоратининг қўлланиш доирасини чеклаш билан фарқланади.*

1.13 Метрология соҳасидаги қандай ҳужжатлар Ўз. ЎДТ меъёрий ҳужжатлари мажмуига киради?

*Ўзстандарт томонидан жорий қилинган ҳалқаро, давлатлараро (ҳудудий) ва миллий меъёрий ҳужжатлар.*

1.14 Ўзбекистон давлат метрологик хизмати фаолиятининг асосий мақсадини кўрсатинг.

*Мамлакатда ўлчашлар бирлигини таъминлаш*

1.15 Ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими асос бўлувчи стандартлари метрологик экспертиза қилинадими?

*Йўқ.*

1.16 «Ўлчанадиган катталиқ» тушунчаси куйида кўрсатилган катталиқларнинг қайси бирига нисбатан қўлланилади?

*Сифат жиҳатидан ажратиб кўрсатиш ва миқдорий баҳолаш мумкин бўлган, объектнинг хоссаларини акс эттирувчи катталиқ.*

1.17 Куйида кўрсатилган оддий таърифларнинг қайси бири «Катталиқнинг ҳақиқий қиймати» тушунчасига мос келади?

*Тажриба орқали топилган қиймат чин қийматга шу даражада яқинки, берилган ўлчаш масаласида бунинг ўрнида фойдаланилиши мумкин.*

1.18 Ясси бурчак бирлиги «радиан» ҳозирги халқаро бирликлар тизими (СИ)да кўрсатилган катталиқлар бирликларининг қайси классига киради?

*Ўлчамсиз ҳосила бирлик.*

1.19 Бирликлар тизимидаги қандай катталикларнинг бирликлари «асосий бирликлар», деб аталади?

*Бир-бирдан мустақил, деб шартли қабул қилинган катталикларнинг бирликлари.*

1.20 Ҳозирги Халқаро бирликлар тизими (СИ) га нечта асосий бирликлар киради?

*Еттита.*

1.21 Халқаро бирликлар тизими(СИ) ни тавсифловчи хоссани кўрсатинг.

*Когерентлик.*

1.22 Халқаро бирликлар тизими (СИ) даги қайси асосий бирликдан улушли бирликларни ҳосил қилиш рухсат этилмайди?

*Масса бирлиги килограмм.*

1.23 Тизимдан ташқари температура бирлиги «Цельсий градуси» (°C)ни Халқаро бирликлар тизимидаги бирликлар билан баравар қўлланишда чеклашлар борми?

*Чеклашларсиз қўлланиш рухсат этилади.*

1.24 Халқаро бирликлар тизимида каррали ва улушли бирликлар қандай қилиб ҳосил қилинади?

*Бошланғич бирликни  $10^n$  ( $n$  - бутун сон) га кўпайтириш ёки бўлиш билан.*

1.25 Энергия бирлиги киловатт-соат Халқаро бирликлар тизимида қайси бирликлар классига киради?

*Тизимдан ташқари бирлик.*

1.26 Ясси бурчак бирлиги «бурчак градуси» ни қўлланишда чеклашлар борми?

*Чеклашлар йўқ.*

1.27 Ўлчаш воситаларини текшириш ҳуқуқига эга бўлган бўлинмаларни кўрсатинг.

*Республика Метрологик хизматлар кўрсатиш марказининг аккредитланган лабораториялари, ҳудудий синаш ва сертификатлаштириш Марказлари ва юридик шахсларнинг метрологик хизматлари.*

1.28 Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, таъмирлаш, прокатга бериш, реализация қилиш билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан Ўзбекистон Агентлигининг ҳаракатларини кўрсатинг.

*Олдиндан текшириш ва рўйхатдан ўтказиш.*

1.29 Давлат метрологик текшируви ва назорати қўлланиш доирасининг асосий йўналишини кўрсатинг.

*Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳада ўлчаш жараёнлари.*

1.30 Давлат метрологик текшируви ва назоратининг оосий объекти нима?

*Катталикларнинг бирликлари, ўлчаш воситалари, ўлчашларни бажариш методикаси.*

1.31 Қандай идоралар метрологик текширув ва назоратни бажаради?

*Текширув ва назорат объектининг қўлланиш соҳасига қараб - давлат метрологик хизмати ва юридик шахслар метрологик хизмати идоралари.*

1.32 Кўрсатилган воситалардан қайси бири ўлчаш воситаларига киради?

*Ўлчашларда қўлланиладиган ва метрологик тавсифлари меъёрланган техник воситалар.*

1.33 Ўлчаш воситалари қандай мезонлар бўйича ишчи ва намунавийга ажралади?

*Метрологик вазифасига кўра*

1.34 Эталонларнинг вазифасини кўрсатинг.

*Катталикларнинг бирликларини қайта тиклаш, сақлаш ва уларнинг ўлчамларини узатиш.*

1.35 Қандай идоралар ўлчаш воситаларини метрологик аттестациядан ўтказади?

*Давлат метрологик хизматининг ва юридик шахслар метрологик хизматларининг аккредитланган бўлимлари.*

1.36 Қандай идоралар ўлчаш воситаларини синовдан ўтказади?

*Давлат метрологик хизматининг ва бошқа ташкилотлар хизматларининг аккредитланган бўлинмалари.*

1.37 Қандай ўлчаш воситалари синовдан ўтказилиши ва тури тасдиқланиши лозим?

*Ўзбекистонда сериялаб ишлаб чиқариш ва тўплари импорт қилиниши мўлжалланган, давлат метрологик текширув ва назорати тадбиқ этиладиган соҳада қўлланилиши мумкин бўлган ўлчаш воситалари.*

1.38 Турни тасдиқлаш тўғрисидаги сертификат ёки ўлчаш воситаларининг метрологик аттестатланганлиги тўғрисидаги сертификат нимани тасдиқлайди?

*Ўзбекистон ҳудудида Давлат метрологик текшируви ва назорати жорий этиладиган соҳада қўлланилиши мумкин бўлган ўлчаш воситалари.*

1.39 Импорт қилинган ўлчаш воситасининг давлат текшируви ва назорати жорий этилган соҳада Ўзбекистонда қўлланилиши учун зарур шарт нима?

*Ўлчаш воситасининг Ўзбекистон давлат ўлчаш воситалари реестрида рўйхатдан ўтганлиги.*

1.40 Синовлар натижаларини, метрологик аттестатланганликни, ўлчаш воситаларининг текширилганини ўзаро тан олиш тўғрисида Ўзбекистон келишиб олган мамлакатлардан импорт қилинадиган ўлчаш воситаларининг давлат текшируви ва назорати жорий этилган соҳада Ўзбекистонда қўлланилиши имкониятини тасдиқлаш учун нима зарур бўлади?

*Турни тасдиқлаш тўғрисидаги сертификат ёки Ўзбекистонда метрологик аттестатлашдан ўтганлигини тасдиқловчи сертификат.*

1.41 Импортда ишлаб чиқарилган бир нусха ўлчаш воситасининг давлат метрологик текшируви ва назорати жорий этилган соҳада ишлатилиши Сизнинг фикрингизча, қандай ҳужжат билан тасдиқланади?

*Ўлчаш воситасидан фойдаланувчи муассаса ўтказган бирламчи калибрлаш сертификати.*

1.42 Ўлчаш воситаларини текширишнинг асосий вазифаси нимадан иборат?

*Ўлчаш воситаларининг меъёрий ҳужжатлар талабларига мослигини аниқлаш.*

1.43 Ўлчаш воситаларини калибрлашнинг асосий вазифаси нимадан иборат?

*Ўлчаш воситалари метрологик тавсифларининг ҳақиқий қийматларини аниқлаш ва зарур бўлса, хавфсизлик тавсифларини аниқлаш.*

1.44 Калибрлаш ишларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи лабораторияларни аккредитлаш идораларини кўрсатинг.

*Ўзстандарт Агентлиги.*

1.45 Стандарт намуна, нима дегани?

*Модда (материал) намунаси кўринишидаги ўлчаш воситаси (ўлчов).*

1.46 Муассасаларнинг стандарт намуналарини қайси доираларда қўлланиш рухсат этилади?

*Давлат метрологик текшируви ва назорати жорий этилган соҳадан ташқарида халқ хўжасининг барча тармоқларида рухсат этилади.*

1.47 Хорижда ишлаб чиқарилган стандарт намунани давлат метрологик текшируви ва назорати жорий этилган соҳада қўлланиш қандай ҳолда рухсат этилади?

*Ўздавстандарт сертификати мавжуд бўлганда.*

1.48 Ўлчашларни бажариш методикаси нимадан иборат бўлади?

*Жавоб: Ўлчашларни бажариш қоидалари ва процедураларининг мажмуи бўлиб, уларга риоя қилиш белгиланган хатолик билан ўлчашлар натижасини олишига имкон беради.*

1.49 Ҳудудий стандартлаштириш, метрология бошқармаси томонидан аттестатланган, ўлчашларни бажариш методикаси фаолиятининг қайси соҳаларида қўлланиш рухсат этилади?

*Халқ хўжалигининг барча тармоқларида, шу жумладан давлат метрологик текшируви ва назорати тадбиқ этилган соҳада рухсат этилади.*

1.50 Ўлчашларни бажаришнинг қандай методлари метрологик аттестатланмайди?

*Метрологик тавсифлари ўлчашлар жараёнида белгиладиган ўлчашларни бажариш методлари (ЎБМ).*

1.51 Бевосита ўлчашлар асосий методларини кўрсатинг.

*Бевосита баҳолаш методи ва таққослаш методи.*

1.52 Бевосита ўлчашларнинг оддий методини кўрсатинг.

*Бевосита баҳолаш методи.*

1.53 Ўлчанадиган катталиқ у ёки бу кўринишда бўлганда, унинг қиймати қуйидаги ўлчаш турларининг қайси бирида аниқланади?

*Бевосита ўлчашларда аниқланади.*

1.54 «Мустақил текшириш» номи билан ўлчаш воситаларини текширишда қуйидаги ўлчаш турларининг қайсинисидан фойдаланилади?

*Мажмуий ўлчашлар.*

1.55 Билвосита ўлчашларда ўлчанадиган катталиқнинг қиймати қандай қилиб олинади?

*Изланаётган катталиқни бевосита ўлчанадиган катталиқлар билан боғлайдиган, маълум боғланиш бўйича ҳисоблаб топилади.*

1.56 Қиёслаш схемаси, деб нимага айтилади?

*Бирликнинг ўлчамини узатиш тартибини аниқловчи ҳужжат.*

1.57 Муайян катталиқ бирлигининг ўлчамини узатишда қатнашувчи намунавий ўлчаш воситалари разрядларининг сонини қандай ҳужжат белгилайди?

*Мазкур катталиқни ўлчаш воситалари учун қиёслаш схемаси.*

1.58 Намуналарни ажратиб олиш синов натижаларининг ишончлигига таъсир этадими?

*Кичик намуналар сифатсиз ажратиб олинганда ёки намуналар сифатсиз тайёрланганда синовлар натижаси олдиндан ишончсиз бўлади.*

1.59 Давлат метрологик текшируви ва назорати жорий соҳасининг асосий йўналишини кўрсатинг.

*Ишлаб чиқармайдиган соҳадаги ўлчашлар жараёни.*

1.60 Қиёслаш муддати ўтган ўлчаш воситаларининг қўлланилгани аниқланганда давлат инспектори амалга оширадиган ҳаракатлари нимадан иборат?

*Ўлчаш воситаларини қўлланишни тақиқлаш ва Маъмурий жавобгарлик кодексининг 213 моддасига асосан жарима тўлаттириш тўғрисида кўрсатма олиш учун Бош давлат инспекторига таклиф киритиш.*

1.61 Ўлчаш воситалари (ЎВ)ни қўлланишни тақиқлашга кўрсатма қандай ҳолларда берилади?

*Ўлчаш воситасининг қуйидаги номосликлар билан қўлланганлиги аниқланганда:*

- *ўлчаш воситасининг хиллари Давстандарт томонидан тасдиқланмаган (ёки ЎВ метрологик аттестатлашдан ўтмаган);*
- *ўлчаш воситаси белгиланган тартибда текширилмаган;*
- *ўлчаш воситаси бузилган.*

1.62 Метрологик меъёрлар ва қоидалар бузилганлиги учун кимни маъмурий жавобгарликка тортиш мумкин?

*Муассасанинг бош метрологини ёки метрологини, ёки ўлчаш воситалари учун масъул шахсни, ёки бош инженерни.*

1.63 Ўлчашларнинг умумий йиғиндисини ва хатоликлар мажмуини ҳисобга олиш учун ўлчаш тизимига шахсий компьютер уланган. Шахсий компьютерни ўлчаш воситаси сифатида қабул қилиш ва даврий қиёслаш керакми?

*Масала унчалик ойдин қўйилмаган, шахсий компьютер ўлчаш воситаси бўла олмайди, ҳисобга олиш (ўлчаш) вазифасини дастурий таъминот бажаради.*

1.64 ИСО 9000 серияли ХС талабларида ишлаб чиқаришда қўлланиладиган барча ўлчаш воситалари (ЎВ)ни мослаш белгиланган. Бу талабни ўлчаш воситасининг алоҳида турлари бўйича бажариш рухсат этиладими, ёки рухсат этилмайдими?

*Бундай қарорни бош метролог (метрология бўйича масъул) муассаса раҳбари (бош инженер) билан келишилган ҳолда қабул қилиши мумкин.*



1.65 Муассасада «ишлаб чиқаришни метрологик таъминлаш бўйича қўлланма» ни ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида мажбурий талаб борми?

*Йўқ, бундай ҳужжатни ишлаб чиқиш мажбурий эмас, лекин тавсия этилади, деб ҳисоблаш мумкин. Унинг тузилишини ИСО 10012-1 ХС бўйича олиш мумкин.*

1.66 Муассасада давлат назоратини ўтказишда Ўзстандарт Агентлигининг комиссияси, муассасанинг маҳсулотига барча меъёрий ҳужжатлар (ТШ, СТП, ОСТ) Ўзстандартда тасдиқдан ўтмади, деб ёзган. Бундай ёзув ҳақлими?

*Ҳақли эмас, бундай фикр нотўғри ёзилган. Ўз СДТ стандартларида бундай талаб белгиланмаган. Маҳсулотга меъёрий ҳужжатлар тармоқда тасдиқланади, лекин Ўзстандарт Агентлигида давлат рўйхатидан албатта ўтиши шарт.*

1.67 Муассаса метрологик хизматининг ходимларини СМСИТИ да ўқиш натижалари бўйича сертификатлаштириш мумкинми?

*Ходимларни сертификатлаштириш керак эмас. Метрологик хизмат ходимларини аттестатлашни маҳкама комиссияси Ўзстандарт (ёки СМСИТИ) вакиллари иштирокида ўтказиши керак.*

1.68 Маҳсулотни сертификатлаштириш синовларида калибрлашдан ўтган ўлчаш воситасидан фойдаланиш мумкинми?

*Мумкин эмас, чунки бу «Метрология тўғрисида» Қонунга зид келади.*

1.69 Техник ҳужжатни (маршрунт-операцион карта, текширув ведомостлари, хизматлар рўйхати ва ҳ.к.) ишлаб чиқишда метрологик экспертизани ўтказмаслик рухсат этилади. Бу тўғрими?

*Техник ҳужжатларни метрологик экспертизадан ўтказиш характери тўғрисидаги қарорни муассасанинг бош инженери метрологларнинг таклифи бўйича қабул қилади.*

1.70 Синовларни метрологик таъминлаш мақсади.

*Сифатли, хавфсиз ва пухта (ишончли) маҳсулот олиш.*

1.71 Синовлар методикаси, нима?

*Синовларнинг объекти ва мақсади, турлари, бажариладиган экспериментларнинг навбати ва ҳажми, синовларни ўтказиш тартиби, шароитлари, жойи ва муддатлари, синовларни таъминлаш ва улар бўйича ҳисобот, синовларни таъминлаш ва ўтказишга масъулликни белгилайди, бажарилиши мажбурий бўлган, таъминлаш методик ҳужжат.*

1.72. Синовлар методикасини аттестатлаш, нима дегани?

*Мазкур методика бўйича ўтказилган синовлар натижаларининг аниқлик ва ишончлик кўрсаткичларининг ҳақиқий қийматларини белгилаш ва уни амалда текшириб кўриш.*

1.73 Синовлар методикасини аттестатлаш нима учун зарур?

*Аттестатланадиган синовлар методикаси бўйича ўтказилган синовларнинг аниқ ва ишончли натижаларини олиш учун.*

1.74 Барча синовлар методикаси Ўзстандарт назоратидан ўтиши шартми?

*Фақат давлат метрологик хизмати назоратидаги соҳалар билан боғлиқ бўлган методикалар.*

1.75 Синаш воситаси, нима дегани?

*Синаш воситасига ўлчаш воситаси, синаш жиҳозлари ва ёрдамчи техник қурилмалар киради.*

1.76 Синаш жиҳозлари деб нимага айтилади?

*Синаш шароитларини қайта тиклаш учун мўлжалланган техник қурилмадан иборат бўлган синаш воситаси.*

1.77 Синаш жиҳозини аттестатлаш, нима дегани?

*Бу- жиҳознинг меъёрланган аниқлик тавсифлари (характеристикаларини, уларнинг меъёрий ҳужжатларнинг талабаларига мувофиқлигини аниқлаш ва жиҳознинг ишлатишга яроқлилигини белгилаш, дегани.*

1.78 Синаш жиҳозини аттестатлаш нима учун зарур?

*Синаш жиҳозининг маълум вақт давомида, аниқлик тавсифларини таъминлаш билан бир вақтда, синаш тартиби (режим)ни талаб этилган аниқлик билан қайтарилиш имкониятини сақлаш.*

1.79 Ҳар қандай синаш жиҳози аттестатланиши лозимми?

*Ҳар қандай синаш жиҳози аттестатлашдан ўтиши лозим.*

1.80 Юридик шахсларнинг метрологик хизматлари қандай ҳолларда ташкил этилади?

*Ўлчашларнинг бирлигини таъминлаш ишларини ва метрологик текширувларини бажариш зурур бўлган ҳолларда.*

1.81 Юридик шахслар метрологик хизматларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қандай ҳужжат билан аниқланади?

*Давлат метрологик хизмати идоралари билан келишилган Низом билан.*

1.82 Ўлчаш воситаларининг қандайлари калибрланади?

*Давлат метрологик текшируви ва назорати татбиқ этилган доирадан четда қўлланиладиган ўлчаш воситалари.*

• 1.83 Синаш, метрологик аттестатлаш, ўлчаш воситасини қиёслаш ишларини бажаришга даъвогар ташкилотнинг метрологик хизмати қандай ҳужжатга амал қилиши зарур?

*О'з DSi 8.006:1999 ЎДТ, О'з DSi 16.4:2001.*

1.84 Қиёслаш ва калибрлаш тамгаларини ким қўлланиши мумкин?

*Фақат қиёсловчилар сифатида аттестатланган шахслар калибрлаш ва қиёслаш тамгаларини қўлланиши мумкин.*

1.85 Ўзбекистоннинг қайси қонуни лабораторияларни аккредитлаш учун ҳуқуқий асос бўлади?

*«Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида» Қонуни.*

1.86 Лабораторияларни аккредитлашни амалга оширувчи бошқарув идораси:

*Ўзстандарт Агентлиги.*

1.87 Синаш ва ўлчаш лабораторияларига қўйиладиган талаблар қандай меъёрий ҳужжатда белгиланган?

*О'з DSi 16.4:2001.*

1.88 Лабораторияларнинг сифат тизимини қандай ҳужжат белгилайди?

*Лабораторияларнинг сифатига оид Қўлланма.*

1.89 Стандарт намуналарни тайёрлаш учун қандай ҳужжат меъёрий асос бўлади?

*Техник топшириқ.*

1.90 Юридик шахс (муассаса) ўзининг технологик эҳтиёжлари учун стандарт намунани мустақил тайёрлаши мумкинми?

*Ҳа, албатта.*

1.91 Ўзбекистоннинг давлат стандарт намуналари қандай белгиланади?

*О'з DSi XXXX:XXXX.*

1.92 Ўлчашларни бажариш методикалари (ЎБМ)ни ишлаб чиқиш тартиби қандай ҳужжатлар билан белгиланади?

*ЎБМ ни ишлаб чиқиш меъёрий ҳужжатлар билан белгиланмайди.*

1.93 Ўлчашларни бажариш методикасини аттестатлаш тўғрисидаги ҳужжат, одатда, қандай муддатга берилади?

*5 йилга.*

1.94 СМСИТИ давлат метрологик текшируви ва назорати тадбиқ этиладиган соҳада қўлланиладиган ўлчашларни бажариш методикаларини аттестатлаш ҳуқуқига эгами?

*Ҳа*

1.95 Корхоналарнинг стандартлари давлат метрологик хизмати идораларида метрологик экспертизадан ўтказилиши керакми?

*Ҳа, лекин улар Ўзстандарт Агентлигининг ахборот фондида қайд этилиши лозим.*

1.96 Экспертиза натижалари қандай ҳужжат билан расмийлаштирилади?

*Ҳулоса билан.*

1.97 Тўртбурчакликнинг квадрат эканлигини исботлаш учун ўлчанадиган параметрларнинг қанчаси мақбул бўлади?

*Бештаси.*

1.98 Агар ўлчаш воситасининг хатолиги талаб этилган ўлчаш аниқлигига тенг бўлса, уни қўлланиш мумкинми?

*Жавоб учун маълумотлар етарли эмас.*

1.99 Агар сохта ва аниқланмаган бузилишлар этимолликларининг жоиз қийматлари берилмаган, ўлчанадиган параметрнинг тақсимланиш қонунлари ва ўлчаш воситасининг хатоликлари номаълум бўлса, ўлчаш воситаларини танлашда жами хатоликларнинг жоизликка нисбатини қандай аниқлаш мумкин?

*Ўлчанадиган параметрнинг муҳимлигига қараб, 0,5; 0,4; 0,3; 0,25; 0,2; 0,15; 0,1 қаторидан аниқланади (белгиланади).*

1.100 Текшириш жараёнларининг сифат мезони нимадан иборат?

*Биринчи ва иккинчи тур хатоликлар эҳтимоллиги.*

1.101 Нима учун аналитик текширувни метрологик таъминлаш мустақил бўлимга чиқарилган?

*Ўлчашлар бирлигининг ўлчамини сақлаш ва узатиш мураккаб бўлгани учун.*

1.102 Концентрацияни қандай бирликларда ифодалаш рухсат этилмайди?

*мг/кг, г/т, мл/л.*

1.103 Яқинлик кўрсаткичи нима билан тавсифланади?

*Параллел кузатувлар натижаларининг ўртача квадратик оғиши билан.*

1.104 Кўрсаткичларнинг қайтарилувчанлиги нима билан тавсифланади?

*Ўлчаш натижаларининг ўртача квадратик оғиши билан.*

1.105 «Кўпол» хатони қандай аниқлаш мумкин?

*Ўлчашларнинг энг катта (энг кичик) натижаси билан ўлчанаётган катталиқнинг жоиз критик қиймати ўртасидаги айирма бўйича аниқланади.*

1.106 Ўлчашлар натижаларининг қийматларини нормал тақсимланишга текшириш нима учун бажарилади?

*Ўлчашлар натижаларига математик ишлов бериш усули тўғрисида қарор қабул қилиш учун.*

1.107 Яқинликнинг ўртача квадратик оғиши бош қийматини ҳисоблашда  $s^2$  квантилнинг озодлик даражаси қанча бўлади?

$$f = m (n-1).$$

1.108 Қайтарилувчанликнинг ўртача квадратик оғиши бош қийматини ҳисоблашда  $s^2$  квантилнинг озодлик даражаси қанча бўлади?

$$f = m-1.$$

1.109 Дисперсияларнинг бир жинслилигини баҳолашда Кохрен мезонини қандай ҳолда қўлланиш мумкин?

*Дисперсиялар озодлик даражаларининг сони тенг бўлганда.*

1.110 «Қўпол янглишиш»нинг борлигини текширишда натижаларнинг умумий сонидан нечта ўлчаш натижаларини чиқариб ташлаш мумкин?

*Кўпи билан 30%.*

1.111 Дисперсияларни бир жинслиликка текширишда натижаларнинг умумий сонидан нечта ўлчаш натижаларини чиқариб ташлаш мумкин?

*Кўпи билан 30%.*

1.112 Эҳтимоллик фонида мунтазам хатоликнинг қийматдорлиги қандай мезон (критерий) билан баҳоланади?

*Стьюдент мезони билан*

1.113 Қийматдор мунтазам хатоликни инobatга олмаслик мумкинми?

*Мумкин, лекин, агар талаб этилган ўлчашлар аниқлиги ўлчашларни бажариш методикасининг хатолигидан анча катта бўлса.*

1.114 Ўлчашлар натижаларининг ўртача квадратик оғиши қандай формула бўйича ҳисобланади?

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (\bar{x} - x_i)^2}{n-1}}$$

1.115 Стьюдент критерийсининг қиймати қандай формула бўйича ҳисобланади?

$$t = \frac{\Delta e \sqrt{m}}{S_b}$$

1.116 Кохрен критерийсининг қиймати қандай формула бўйича ҳисобланади?

$$G = \frac{S^2_{\max}}{\sum_{j=1}^m S_j^2}$$

1.117 Ўлчашларни бажариш методикасининг аттестатланганлиги тўғрисида гувоҳ берувчи (тасдиқловчи) қатъий ҳужжат нимадан иборат?

*Аттестатланганлик тўғрисидаги гувоҳнома (сертификат).*

1.118 Давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасида қўлланшга рухсат этилган ўлчашларни бажариш методикасини ким тасдиқлайди?

*Ўзстандарт Агентлиги раҳбари.*

1.119 Саноат корхонасининг кимё лабораториясини аккредитлаш лозимми?

*Ҳа, агар ўлчашлар давлат метрологик текшируви ва назорати тадбиқ этилган соҳада бажариладиган бўлса.*

1.120 Лабораторияни аккредитлаш соҳасини ким белгилайди?

*Аккредитладиган лаборатория.*

1.121 Ўлчашларни бажариш методикасини оператив текшириш нима?

*Ўлчашлар натижалари хатоликларининг белгиланган талабларга мослигини баҳолаш мақсадида бажариладиган текширув.*

1.122 Статистик текшириш нима?

*Ишчи ўлчашларни бажариш вақтидан қатъий назар, амалга ошириладиган ўлчашлар сифати кўрсаткичларини текшириш.*

1.123 Статистик текшириш нимадан иборат?

*Илгари таҳлил этилган намуналарни бир неча бор қайта текширишларни ўтказишдан иборат.*

1.124 «п» ҳажмли танланмада яроқсиз натижаларнинг жоиз сони нима билан белгиланади?

*Қабул қилиш сони билан.*

1.125 Юз фоиз ички текширувдан ўтган намуналар тўпи қандай ҳолларда яроқли деб ҳисобланади?

*Натижаларининг фарқи рухсат этилгандан катта бўлган намуналар сони Ра дан кичик бўлса.*

1.126 Стандарт намунанинг ножинслиги қиймати тўғрисидаги билим нима беради?

*Стандарт намунанинг қўшимча хатолиги тўғрисида маълум қилади.*

1.127 Стандарт намунанинг ножинслиги нима билан тавсифланади?

*Стандарт намуна материали бир жинслилигининг ўртача квадратик оғиши билан тавсифланади.*

1.128 Стандарт намунанинг аттестатланган қиймати қандай формула бўйича ҳисобланади?

$$A_{\text{сн}} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n x_i$$

1.129 Агар натижалар сони 15 дан кам бўлса, стандарт намунани аттестатлаш натижаларининг тақсимланиш симметрик-лигини нима учун ҳисоблаш керак?

*Ўлчашлар натижаларининг тақсимланиш медианасини ҳисоблаш усулини баҳолаш учун.*

1.130 Стандарт намуналарни аттестатлаш натижаларининг тақсимланиш симметриклиги қайси мезон (критерий) бўйича баҳоланади?

*Вилкоксон критерийси бўйича.*

1.131 Ўлчашнинг сифат мезони борми, Сиз қандай ўйлайсиз?  
*Ҳа, бор.*

1.132 Ўлчашларнинг сифат мезонларини санаб кўрсатинг.

*Ўлчашлар натижаларининг тўғрилиги, аниқлиги, яқинлиги ва қайтарилувчанлиги ва ўлчашларнинг бирлиги.*

1.133 Ўлчашлар натижаларининг тўғрилиги, бу:

*Натижа мунтазам хатоликларининг нолга яқинлигини акс эттирувчи, ўлчаш сифатининг тавсифи.*

1.134 Ўлчашлар аниқлиги, бу:

*Ўлчаш натижаси хатолигининг нолга яқинлигини акс эттирувчи, ўлчаш сифатининг тавсифи.*

1.135 Ўлчашларнинг яқинлиги, бу:

*Бир катталикнинг ўзини бир восита, бир метод билан бир хил шароитларда бир хил синчковлик билан такрор бажарилган ўлчашлар натижаларининг бир-бирига яқинлиги.*

1.136 Ўлчашларнинг қайтарилувчанлиги, бу:

*Бир катталикнинг ўзини турли жойлар, турли методлар, турли воситалар билан, турли операторлар томонидан ҳар хил вақтларда олинган, лекин бир хил ўлчаш шароитларига (температура, босим, намлик ва б.) келтирилган ўлчаш натижаларининг яқинлиги.*

1.137 Ўлчашлар бирлиги, бу:

*Ўлчашлар натижалари қонуний катталикларнинг бирликларида ифодаланган ва ўлчаш хатоликлари маълум эҳтимолик билан белгиланган чегарада жойлашган ўлчашлар шароити.*

1.138 Ўлчаш хатолиги, бу:

*Ўлчашлар натижасининг ўлчанадиган катталикнинг ҳақиқий қийматидан оғиши.*

1.139 Ўлчаш воситасининг хатолиги, бу:

*Ўлчаш воситасининг кўрсатишлари билан ўлчанадиган катталикнинг ҳақиқий қиймати ўртасидаги айирма.*

1.140 Ўлчаш хатолигининг қуйидаги таркибий қисмлари бор:

*Мунтазам ва тасодифий хатолик.*

1.141 Ноаниқлик, бу:

*Ўлчашлар натижаси билан боғлиқ ва ўлчанадиган катталикка асосли равишда берилиши мумкин бўлган қийматларнинг дисперсияси (тарқоқлиги)ни тавсифловчи параметр.*

1.142 Ноаниқликни баҳолаш турлари:

*A хили ёки B хили.*

1.143 Хужжатларни метрологик экспертиза қилиш ҳуқуқини бериш учун физик шахс аккредитланиши мумкинми?

*Мумкин, албатта.*



---

## Учинчи бўлим. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ

### 1-боб. Маҳсулот ва хизматларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ҳуқуқий ва норматив асослар

1.1 Сертификатлаштирилган маҳсулотни ким инспекция текширувидан ўтказади?

*Мувофиқлик сертификатини берган, сертификатлаштириш идораси, ёки унинг топшириғи билан, аккредитланган текшириш идораси.*

1.2 Маҳсулот тўпини сертификатлаштиришда нима қилиш зарур?

*Намуналарни ажратиб олиш ва уларни лабораторияда синаш.*

1.3 Мажбурий сертификатлаштириш қоидаларининг бажарилишини ким текширади?

*Стандартларнинг талабларига риоя қилинишини текширувчи давлат назорат идораси.*

1.4 Сертификатлаштиришда расмишлаштириладиган хужжатларни сақлаш муддати қанча?

*Хужжатлар сертификатнинг амал қилиш муддати давомида, лекин камидан бир йил сақланади.*

1.5 Сертификатлаштириш идораси синовларни ўтказмасдан, маҳсулот тўпига мувофиқлик сертификатини бериши мумкинми?

*Маълум сертификатлаштириш тартибига мувофиқ бериши мумкин.*

1.6 Ёрдамчи пудрат (субподрят) бўйича бажарилган синовлардаги барча ишларга тўлиқ юридик масъуллик кимга юклатилади?

*Лаборатория - буюртмачига*

1.7 Бир жинсли маҳсулотни сертификатлаштириш тизими нима?

*Бир хил муайян стандартлар ва қоидалар ва бир процедуранинг ўзи қўлланиладиган маълум маҳсулотлар (хизматлар)га тегишли сертификатлаштириш тизими.*

1.8 Мувофиқлик белгиси, бу нима?

*Сертификатлаштириш тизими қоидалари бўйича қўлланиладиган, рўйхатдан ўтган белги.*

1.9 Глобал (умумий) концепциянинг асосий мақсади ва йўналиши нима?

*Процедураларни тавсифлаш, асос бўлувчи талабларни ифодалаш, савдодаги тўсиқларни бартараф этиш.*

1.10 СЭС идоралари берган гигиеник сертификатлар асосида озиқ-овқат маҳсулотларини давлат рўйхатидан ким ўтказади?

*Ўзстандарт Агентлиги*

1.11 Стандартларни назорат қилиш бўйича давлат инспектори сертификатлаштириш ишларини бажариши мумкинми?

*Мумкин эмас, чунки назорат давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан бажарилади, сертификатлаштириш ишига тижоратдек ёндашиш назорат фаолиятининг натижаларига салбий таъсир этиши мумкин.*

1.12 МДХ мамлакатларидан импорт қилинадиган маҳсулотнинг сертификатланганлиги қандай тан олинади?

*МДХ мамлакатлари сертификатини тан олиш бир жинсли маҳсулотни сертификатлаштириш идораси томонидан бажарилади.*

1.13 Мувофиқликни сертификатлаштириш, бу:

*Маҳсулотнинг меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш бўйича учинчи томоннинг ҳаракати.*

1.14 Ихтиёрий сертификатлаштиришда синашлар дастурини ким белгилайди?

*Сертификатлаштириш идораси.*

1.16 Ўз СМТ да мавжуд бўлган қандай сертификатлаштириш схемаларида ишлаб чиқариш текширилади?

*2, 2а; 3, 3а; 4, 4а; 10а.*

1.17 Сертификатлаштиришнинг мавжуд бўлган қандай тартибларида (схема)ларида маҳсулотнинг мувофиқлик белгиси қўйилади?

*2, 2а; 3, 3а; 4, 4а; 10а.*

1.18 Халқаро стандарт ИСО 9001 қуйидагиларни белгилайди:

*Раҳбарият томонидан таҳлил қилиш, ходимларни ўқитиш жараёнларини режалаштириш, сифат соҳасида мақсадларни аниқлаш ва б.*

1.19 Сертификатлаштириш тизими тузилмасига қуйидагилар кирди:

*Маҳсулотлар (хизматлар)ни сертификатлаштириш идораси, синани лабораториялари.*

1.20 Аккредитланган лабораторияга қандай маҳсулотни синовлар учун қабул қилиш мумкин?

*Тайёрловчининг синаладиган маҳсулотининг намунавий вакиллари сифатида аниқ идентификациялаштирилган (айнан ўхшатишган) маҳсулот намуналари қабул қилинади.*

1.21 Сифат менежменти тизининг баҳолари сертификатлаштиришнинг қандай тартиби (схемаси) ни талаб этади?

5, 6.

1.22 Қандай ташкилот Миллий сертификатлаштириш идораси бўлади?

*Ўзстандарт Агентлиги.*

1.23 Маҳсулотни сертификатлаштириш синовлари мақсади:

*Маҳсулотнинг мувофиқлигига ишончни таъминлаш, маҳсулот сифати кўрсаткичларининг ҳақиқий қийматлари тўғрисида объектив ишончли ахборот олиш, синовлар дастурининг талабларини бажариш.*

1.24 Халқаро стандарт ИСО 9001 талабларига мувофиқлик сертификати қуйидагига хизмат қилади:

*Сотиб олинadиган маҳсулотнинг мувофиқлигига истеъмолчида ишонч ҳосил қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг мувофиқлигига ташкилотнинг ишончини таъминлаш, маҳсулотни экспорт қилишда унинг рақобатбардошлигини таъминлаш.*

1.25 Сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идора қуйидаги вазифани бажаради:

*Маҳсулотни сертификатлаштириш ишларини бажаради.*

1.26 Сертификатлаштириш учун келтирилган маҳсулотни ким идентификация қилади ва ажратиб олади?

*Сертификациялаштириш идорасининг вакили.*

1.27 Сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий асоси?

*Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 12.08.94 № 409 қарори.*

1.28 Учинчи томон 3-тартиб (схема) бўйича сертификатлаштиришда қандай ҳаракатлар қилади?

*Намуналарни ажратиб олади ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотни синаш ишларини бажаради.*

1.29 Сертификатлаштиришнинг қандай тартиби (схемаси)да тайёрловчи томонидан маҳсулотга мувофиқлик белгисини қўйиш назарда тутилмаган?

1, 7, 8, 9, 9а.

1.30 ИСО 9001 ХС талаблари бўйича истеъмолчига, якуний синовдан салбий натижа билан ўтган маҳсулотни жўнатиш мумкинми?

*Мумкин, агар салбий натижалари маҳсулотни чиқариш истеъмолчи билан келишилган бўлса.*

1.31 Сертификатлаштирилган маҳсулотни инспекция текширувини ўтказишга кимнинг ҳуқуқи бор?

*Ўзстандарт агентлиги, аккредитланган текшириш идораси, маҳсулотни сертификатлаштирган идора.*

1.32 Сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идораларни ва синаш лабораторияларини инспекция текширувидан ким ўтказди?

*Аккредитлаш идораси.*

1.33 Мувофиқликни тасдиқлаш, деб нима тушунилади?

*Маҳсулотни сертификатлаштириш процедуралари ва маҳсулотнинг мувофиқлиги тўғрисида эълон қилиш.*

1.34 Учинчи томоннинг маҳсулотни сертификатлаштириши, деганда нима тушунилади?

*Этибор бериб идентификацияланган маҳсулот, жараён ёки хизматларнинг муайян меъёрий ҳужжатга мувофиқлигига ишонч таъмин-ланади, деб исботловчи, учинчи томон ҳаракатлари.*

1.35 Давлат реестри бўйича сертификат номерини тўғри белгилашни кўрсатинг.

*№ SSUZ 04.001.00016-03.*

1.36 Маҳсулотга қўйилган мувофиқлик белгиси нима тўғрисида гувоҳлик беради?

*Маҳсулот сертификатлаштиришдан ўтган, маҳсулотдан вазифасига қараб фойдаланиш мумкин, маҳсулот хавфсиз.*

1.37 O`zDSt 9001-2001 талаблари бўйича ташкилотда ҳужжатланган нечта процедуралар бўлиши керак?

*6.*

1.38 Мувофиқлик сертификатларини бериш ҳуқуқига эга:

*Ўзстандарт агентлиги томонидан аккредитланган сертификатлаштириш идоралари.*

1.39 Сертификатлаштиришнинг қайси тартиби (схемаси)га маҳсулотни сертификатлаштиришдан ташқари ишлаб чиқаришни ёки сифат тизимини сертификатлаштириш киради?

*№5 схема*

1.40 Ўз СМТда маҳсулотни сертификатлаштиришни ким ўтказди?

*Ўзининг аккредитланган лабораторияси бор бўлган сертификатлаштириш идораси.*

1.41 Мажбурий сертификатлаштиришда маҳсулотнинг қандай кўрсаткичлари текширилиши лозим?

*Маҳсулотга меъёрий ҳужжат талаблари бўйича мажбурий бўлган кўрсаткичлар (жавфсизлик, мос келувчанлик, ўзаро алмашинувчанлик, бойликларни тежаш ва б).*

1.42 Сертификатлаштирилмаган маҳсулотни ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва уни реализация қилганлиги учун жарима солиш ҳуқуқига ким эга?

*Давлат бош инспектори.*

1.43 Инспекция текширувини ўтказишда текширишни ким бошқаради?

*Аттестатланган эксперт - сифат бўйича аудитор.*

1.44 Эксперт-аудиторларга ва уларнинг аттестатланишига талаблар қандай ҳужжатда аниқланган?

*Ўз RH 51-014-93 да.*

1.45 Сертификатлаштириш объекти нимадан иборат?

*Маҳсулот, хизматлар, сифат тизими.*

1.46 Сертификатлаштириш субъектларига ким киради?

*Ўзстандарт Агентлиги, аккредитланган сертификатлаштириш идоралари, аккредитланган синаш лабораториялари, текшириш идоралари, эксперт-аудиторлар, сўровчи.*

1.47 Тайёрловчига мувофиқлик белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи қандай ҳужжатлар асосида берилади?

*Берилган мувофиқлик сертификати ва сертификатлаштириш идораси билан сертификатлаштирилган маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ўртасида тузилган келишув асосида берилади.*

1.48 Мажбурий сертификатлаштиришни ўтказишда фаолиятнинг қандай асосий турлари бажарилади?

*Маҳсулотни синаш, ишлаб чиқаришни кўриқдан ўтказиб текшириш, сертификатлаштирилган маҳсулотни инспекция текширишидан ўтказиш.*

1.49 Сертификатлаштириш ишларига тўланадиган пул миқдори қандай ҳужжатларга мувофиқ аниқланади?

*Ўз RH 51-032:1999 га мувофиқ шартнома асосида аниқланади.*

1.50 Мувофиқлик сертификати, мувофиқлик белгиси, аккредитлаш аттестатидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа юридик шахсга ёки физик шахсга бериш қонуний ҳуқуққа эгами?

*Ҳуқуқларни бошқаларга бериш ман этилади.*

1.51 «Сертификатлаштириш миллий тизими» ни таърифланг.

*Давлат даражасида иш юритувчи, сертификатлаштиришни ўтказиш учун ўзининг процедура ва бошқариш қоидаларига эга бўлган тизим.*

1.52 «Мувофиқлик сертификати»га таъриф беринг.

*Маҳсулот ёки хизматларнинг муайян меъёрий ҳужжатга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштириш тизимининг қоидалари бўйича берилган ҳужжат.*

1.53 «Мувофиқлик белгиси» га таъриф беринг.

*Тегишлича идентификатлаштирилган маҳсулот ёки хизматлар аниқ стандартга ёки бошқа меъёрий ҳужжатга мос келишига етарлича ишонтирадиган, маҳсулотга ёки хизматлар ҳужжатида қўйилган белги.*

1.54 Мувофиқлик сертификатлари қандай ҳолларда тан олинади?

*Икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар мавжуд бўлганда.*

1.55 Мувофиқлик сертификати канча муддатга берилади?

*Уч йил муддатга берилади.*

1.56 Сертификатлаштирилган маҳсулотни инспекция текширувидан ўтказиш даврийлигини ким ва қаерда аниқлайди?

*Сертификатлаштириш идораси сертификатлаштиришни ўтказишда аниқлайди.*

1.57 Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, лекин сертификатлаштирилмаган маҳсулотни реализация қилганлиги учун қонунда қандай чоралар белгиланган?

*Реализация қилинган маҳсулот нархи миқдорида жарима солинади.*

## **2-боб. Маҳсулот ва хизматларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ташкилотларни аккредитлаш қоидалари**

2.1 Лаборатория ўз фаолиятини даврий ва графикка мувофиқ ички аудитдан ўтказиши, нима учун?

*Ўз ишининг сифат тизими ва O'z DSI 16.4 талабларига мувофиқлиги давом этаётганлигини текшириш учун ўтказилади.*

2.2 Куйидаги талаблардан қайсылари ўлчаш лабораторияларга қўйиладиган талабларга кириди?

*Техникавий компетентлилик, жорийдаги сифат тизими ва зарур ўлчаш воситалари ва СЖ (синаш жиҳозлари) нинг мавжудлиги.*

2.3 Сертификатлаштириш идорасини аккредитлашда қандай ҳужжатлар талаб этилади?

*Низом, Сертификатлаштиришни ўтказиш тартиби, Сифат бўйича қўлланма, сифат менежменти тизими бўйича процедуралар ҳужжатлари.*

2.4 Қуйидаги ҳужжатлардан қайси бири сертификатлаштириш идораси ва ўлчаш лабораториясининг сифат тизими асосий низомларини аниқлайди?

*Сифат бўйича қўлланма.*

2.5 Сифат соҳасида сиёсатни ким аниқлайди ва тасдиқлайди?

*Ташкилот раҳбари.*

2.6 Текшириш ва сертификатлаштириш идораларининг фаолиятига қандай қилиб ишонч қозониш мумкин?

*Аккредитлаш идораси томонидан компетентликни баҳолаш йўли билан.*

2.7 Аккредитланганликни тан олиш тўғрисида пировард натижада ким қарор қабул қилади?

*Сертификациялаштирилган маҳсулот истеъмолчилари.*

2.8 Сўровчи сертификатлаштириш идорасининг хатти-ҳаракатлари устидан апелляция бериши мумкинми?

*Белгиланган процедура бўйича бериши мумкин.*

2.9 Агар лаборатория аниқ ишларни бажариш учун бошқа лаборатория билан ёрдамчи пудратчи сифатида шартнома тузмоқчи бўлса, у:

